Гос. книжная палата УзССР


# Ўзбекистон овози

**Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома**

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 219 (21. 086) 1991 йил 13 ноябрь, чоршанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НИШОНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида Ўзбекистон давлат рамзларининг вариантлари қандай тайёрланаётганлиги тўғрисида Конституциявий комиссия экспертлар гуруҳининг раҳбари, республика халқ депутати М. С. Салоҳиддиновнинг ахбороти тингланган эди. Шу сессияда Давлат байроғи намунаси тасдиқланди, Давлат байроғи тўғрисидаги Қонунни навбатдаги сессияда муҳокама қилиш ва қабул этиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бир вақтда экспертлар гуруҳига Давлат нишони нусхаларини тайёрлаш ишларини давом эттириш топширилган эди. Бу гуруҳ тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, Олий Кенгашда нишоннинг нусхаларини кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблайди. Шу нусхалар чизмалари қуйида эълон қилинади.

Таклифлар ва мулоҳазаларни Олий Кенгаш Раёсатига юбориш мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ ДАВЛАТ НИШОНИ ЛОЙИҲАСИНИНГ РАМЗИ ҲАҚИДА

Давлат нишонлари минглаб йиллардан буён мавжуд бўлиб, улар алоҳида олганда ҳар бир мамлакат ва давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва муддаолари рамзи ҳисобланади. Масалан, қадимий Хитой давлатининг нишонида унумдорлик, осойишталик ва қудрат рамзи сифатида аждар тасвирланган. Ўзгаларнинг ерларини босиб олиш йўли билан бепоён империяларни вужудга келтиришга интилиш жиноят ҳисобланмаган ҳамда тажовузкорга нисбатан ҳозиргидек шафқатсиз муносабат бўлмаган ўтган асрларда давлат нишонларида ваҳший ҳайвонлар ва қушлар, масалан, шер, икки бошли бургут ва бошқалар тасвирланган.

Ҳозирги вақтда халқларга тинчлик, озодлик ва тенглик зарур, давлатлар эса мустақилликка, яхлитликка ва чегараларининг дахлсизлигига интилмоқда. Давлат нишонлари рамзида айни шулар акс этмоғи керак. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси янги нишонининг рамзи учун тарихий анъаналар ва афсонавий семурғ қуши билан боғлиқ бўлган халқ оғзаки ижодиёти мавзуси кўпроқ мос келади. Тарихий асарларда семурғни хумо, яъни бахт келтирувчи қуш деб ҳам аташган.

Семурғ тасвири турк давлатларининг қадимий манбаларида ҳам маълумдир. Хоразмийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да семурғ-хумо ҳақида гапирилади, унда ана шу қушнинг эзгулиги, гўзаллиги ва қудрати тасвирланган. Семурғ одамларни қанотига ўтқазиб, уларни кулфатдан халос этади, шафқатсиз рақиблардан қутқаради, фақат олижаноб ва инсонпарвар кишиларга ёрдам беради. Қадимги туркий манбаларда семурғ «Давлат қуши», «Кунтубулган» (Қуёшли қуш) деб аталади. Кўпгина тарихий манбаларда семурғ патларининг тасвири ҳам шу номлар билан боғлиқ. Масалан, «Бурхоний котиё», «Фарханги форсий» форс луғатларида семурғ патларидан нур тараладиган қуш деб тавсифланади. Дунёдаги барча қушлар патларининг товланиши семурғ патларининг нуридан деган ривоят ҳам мавжуд.

Семурғ ҳалоскор куч, олижаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида Алишер Навоийнинг машҳур «Лисон ут-тайр» достонида куйланади, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида семурғ патларининг сеҳрли кучи билан Рустамни ҳалокатдан сақлаб қолади. Шарқ шеъриятининг мумтози Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарида семурғ барча қушларнинг подшоси сифатида тасвирланган.

Юқорида келтирилган тарихий фактлар ва далиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикаси янги Герби танловига тақдим этилган семурғ тасвири бутунлай ижобий баҳолашга арзийди. Бунинг устига рассом қушнинг олтин қанотларини баланд кўтариб турган пайтини тасвирлаганки, гўёки Давлат қуши Ўзбекистонни ундаги тоғлар, адрлар, ям-яшил водийлар, дарёлар ва боғлар билан бирга қучоқлаб тургандек кўринади (иккинчи нусхада қуш қанотлари Ўзбекистон Республикаси янги Давлат байроғи олдида тасвирланган). Агар нишоннинг ушбу лойиҳаси йиртқич шерлар ва бургутлар тасвирланган ўтган асрлардаги нишонларга ёки Ўзбекистоннинг ҳозиргача мавжуд бўлган пахта, бошқа маҳсулотлар ва хом ашё тасвирланиб, республикамизни хом ашё базаси сифатида кўрсатиб турган Гербга қиёс этиладиган бўлса, танловга тақдим этилган «Семурғ» рамзи мазмунининг чуқурлиги ва жозиба кучи билан ажралиб туради. Янги Давлат нишонида халқимизнинг тинчлик, эзгулик ва бахт-саодат тўғрисидаги орзу-умидлари, янгидан вужудга келган мустақил Ўзбекистон Республикасининг эркинлик ва фаровонликка интилиши акс этган. «Семурғ» рамзида ҳар бир инсоннинг камолот ва бахт-саодатга эришиш орзуси ҳам акс этган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НИШОНИНИНГ ХОМАКИ ТАСВИРИ

Давлат нишонининг таклиф этилаётган хомаки тасвири доира шаклида бўлиб, айни шу шакл қадимдан мукаммаллик ва уйғунлик рамзи ҳисобланади.

Ундаги асосий тасвир олтин шер тасвири бўлиб, у миллатни гуллатиб-яшнатувчи мустақиллик рамзи сифатида қуёшни келтирмоқда. Кўпгина халқларнинг афсоналарида ва оғзаки ижодиётида ақл-идрок, олижаноблик, очиқ кўнгиллилик, адолат, шавкат, ғурур, жасорат шер образи билан боғлиқ.

Рамзшуносликда шер матонат, қатъият, осойишталик, ақл-идрокни ифодалайди.

Давлат нишонининг марказий қисми мовий тусда бўлиб, у диёримизнинг тинч осмонини эслатади.

Ярим ой мусулмон дунёсига мансублик рамзидир. Маркази ҳарфлар ва рамзий гуллар билан безатилган.

Ўзбекистон Республикаси номи қизил рангда зарҳал тусда ёзилган. Юқоридаги саккиз қирра тасдиқлаш белгиси бўлиб, Ўзбекистоннинг безак санъатида азалдан фойдаланиб келинган.

Нишоннинг паст қисмида — Ўзбекистон заминининг унинг меҳнатсевар халқи етиштирадиган неъматлари тасвирланган.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАҲБАРИЯТИ

**Рўзномамизда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси таъсис қурултойи ҳақидаги ҳисобот босилган эди. Маълумки, қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бир овоздан Ўзбекистон ХДП Раиси этиб сайланди. Таъсис қурултойи Халқ Демократик партиясининг Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссиясини сайлади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми М. М. Расуловни ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзоси, А. Н. Носировни Марказий Кенгаш иккинчи котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзоси, И. А. Кочмарик, А. Х. Саидов, Х. М. Абдураимовни партия Марказий Кенгашининг котиблари ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзолари этиб сайлади. Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси пленумида О. Турғунов партия Марказий тафтиш комиссияси раиси қилиб сайланди.**

**Рўзномамизнинг кечаги сонида Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Низоми босилиб чиқди. Бугун эса кўп сонли муштарийларнинг илтимосига биноан ХДП Марказий Кенгаши котибларининг ҳамда партия Марказий тафтиш комиссияси раисининг қисқача таржимаи ҳоллари билан танишасиз.**

**Марказий Кенгашнинг биринчи котиби — Маҳмуджон Мўминович РАСУЛОВ.**

Маҳмуджон Мўминович Расулов 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. 1977 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳини, 1987 йилда Тошкент олий партия мактабини тугаллаган. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётида ёрдамчи ишчи, сўнгра В. И. Ленин номли электрон техника заводида радиомонтёрликдан бошлаган. 1976 йилда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия қўмитаси котибининг ўринбосари, 1980 йилда эса партком котиблигига сайланган. Шундан сўнг тўрт йил давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Оғир саноат ва машинасозлик бўлимида инструктор бўлиб ишлади. 1985 йилдан Наманган вилояти партия қўмитаси котиби, 1989 йилдан КПСС Марказий Қўмитаси Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг масъул ташкилотчиси, 1990 йилдан эса Наманган вилояти партия қўмитасининг иккинчи котиби ва айни пайтда ушбу партия қўмитаси ташкилий-партиявий ишлар ва ҳуқуқ бўлимининг мудири вазифаларида ишлади. У Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг аъзоси. Ўзбекистон республикаси халқ депутати. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми М. М. Расуловни Марказий Кенгашнинг биринчи котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитанинг аъзоси этиб сайлади.

**Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби — Азиз Носирович НОСИРОВ**

Азиз Носирович Носиров 1950 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. Ўзбек. Маълумоти — олий. 1972 йилда муҳандис — химик-технолог ихтисослиги бўйича Самарқанд Давлат дорилфунунини битирди. Сўнг шу ерда катта лаборант, химия ва технология кафедрасининг ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1973 йилда Ўзбекистон ЛКСМ Самарқанд шаҳар қўмитасининг инструктори, сўнг Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси комсомол ташкилотлари бўлимининг инструктори, шу бўлимнинг мудири, 1976 йилдан 1980 йилгача вилоят комсомол қўмитасининг ташвиқот ва тарғибот ишлари бўйича котиби вазифаларида ишлади. 1980 йилда Ўзбекистон ЛКСМ Самарқанд вилоят қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. Икки йил давомида Самарқанд шаҳар Боғишамол район партия қўмитасининг биринчи котиби вазифасида меҳнат қилди. 1987 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби вазифасида ишлаб келди.

У Ўзбекистон республикаси халқ депутатидир. Ўзбекистон Компартияси ўз фаолиятини тўхтатгунга қадар республика Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоси бўлди. У Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг аъзоси. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши пленумида Марказий Кенгашнинг иккинчи котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитанинг аъзоси этиб сайланди.

**Марказий Кенгаш котиби — Изидор Андреевич КОЧМАРИК**

Изидор Андреевич Кочмарик 1943 йилда Львов вилоятининг Нижанкович районидаги Радохонец қишлоғида туғилди. Миллати — украин. 1975 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳини, 1983 йилда Тошкент олий партия мактабини битирди. Ихтисоси — инженер-электрик. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Сирдарё вилоятидаги Гулистон тажриба ремонт-механика заводида токарликдан бошлади. Гулистон шаҳридаги 30-автобазада шофёрлик қилди. «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Гулистон электр асбоблари устахонасида электрслесарь, бригада бошлиғи, катта мастер, сўнгра бош инженер вазифаларида ишлади. 1974 йилдан 1976 йилгача Гулистон шаҳар партия қўмитасининг саноат-транспорт бўлими мудири, сўнгра 1985 йилгача Гулистон шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлади. 1985 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ташкилий-партиявий ишлар бўлимида инструктор, кейин уч йил давомида шу бўлимда инспекторлик вазифаларини бажарди. 1988 йилдан, Андижон вилояти партия қўмитасининг иккинчи котиби этиб сайлангунга қадар Марказий Қўмита ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимида масъул ташкилотчи вазифасида меҳнат қилди. 1989 йилдан ҳозирга қадар Андижон вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби ва айни пайтда ташкилий-партиявий ишлар ва ҳуқуқ бўлимининг мудири вазифаларини бажарди. У Ўзбекистон ХДП аъзоси.

И. А. Кочмарик Ўзбекистон Компартияси ўз фаолиятини тўхтатгунга қадар Марказий Қўмита аъзоси эди. У Ўзбекистон Республикаси халқ депутатидир. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми И. А. Кочмарикни Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитасининг аъзоси этиб сайлади.

**Марказий Кенгаш котиби — Акмал Холматович САИДОВ**

Акмал Холматович Саидов 1958 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл районида туғилди. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1981 йилда ҳуқуқшунос ихтисослиги бўйича Тошкент давлат дорилфунунини тугаллади. Москва шаҳридаги Давлат ва ҳуқуқ олийгоҳи аспирантурасида ўқигач, 1984 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳида катта илмий ходим, сўнгра Фанлар академияси президиумининг Фалсафа, иқтисод ва юридик бўлимида илмий котиб бўлиб ишлади. 1986—1987 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси ташвиқот ва тарғибот бўлимида лекторлик вазифасида меҳнат қилиб, яна республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳига қайтди. Бу ерда у 1989 йилгача Давлат ҳуқуқи секторининг мудири вазифасида ишлади. Сўнгра Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси идеология бўлимининг мудири этиб тайинланди. 1991 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳи директори бўлиб ишлади. Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг аъзоси, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши уни ХДП Марказий Кенгашининг котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзоси қилиб сайлади.

**Марказий Кенгаш котиби — Хотам Маҳкамович АБДУРАИМОВ**

Хотам Маҳкамович Абдураимов 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1972 йилда электртехник муҳандиси ихтисослиги бўйича Тошкент Политехника олийгоҳини, 1987 йилда Саратов Олий партия мактабини битирди. Меҳнат фаолиятини 1972 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси физика-техника билимгоҳида муҳандисликдан бошлади. Тошкент электротехника алоқа олийгоҳи комсомоллари 1978 йилда Х. Абдураимовни олийгоҳ комсомол қўмитаси котиби қилиб сайладилар. Шундан сўнг у комсомол ишларида турли лавозимларда, жумладан Тошкент вилоят комсомол қўмитаси студент ёшлар, ташвиқот ва маданий-оммавий ишлар бўлимларининг мудири, 1980 йилдан 1985 йилгача Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг котиби бўлиб ишлади. Саратов олий партия мактабини битиргач Тошкент шаҳар партия қўмитаси ташвиқот ва тарғибот бўлимида лектор, бўлим мудирининг ўринбосари, сектор мудири, сўнгра 1989 йилдан 1990 йилгача идеология бўлимининг мудири вазифаларини бажарди. 1990 йилдан ҳозиргача Тошкент шаҳар партия қўмитасининг котиби бўлиб ишлади. У Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг аъзоси. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши пленумида Х. М. Абдураимов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзоси этиб сайлади.

**Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий тафтиш комиссиясининг раиси — Октамжон ТУРҒУНОВ**

Октамжон Турғунов 1951 йилда Тошкент вилоятининг Пискент шаҳрида туғилди. Миллати — ўзбек. 1976 йилда инженер-қурувчи иқтисослиги бўйича Тошкент политехника олийгоҳини, 1989 йилда Тошкент Олий партия мактабини битирди. Партия ва совет қурилиши соҳаси бўйича мутахассис. О. Турғуновнинг меҳнат фаолияти 1967 йилдан Олмалиқ шаҳридаги 9-ўрта мактабда пионер етакчилигидан бошланди. Сўнгра у шу шаҳардаги иссиқлик электромарказида слесарь, уй-жой-коммунал хизмат идорасида дурадгор, уй-жой бошқармасида техник-назоратчи, инженер бўлиб ишлади. 1975 йилда Олмалиқ шаҳар партия қўмитаси ташкилий бўлимига инструктор бўлиб ишга келди. 1977 йилдан 1984 йилгача шу шаҳар партия қўмитаси ташкилий бўлимининг мудири, сўнгра 1989 йилгача Ангрен шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби вазифаларида ишлади. 1989 йилда О. Турғунов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимига инструкторлик вазифасига таклиф қилинди. Келгуси йилдан эса у ана шу бўлимда масъул ташкилотчилик вазифасини бажарди. 1991 йилда у Ангрен шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. У Ўзбекистон ХДП аъзоси. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий тафтиш комиссияси пленуми уни Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайлади.

## *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БИЛАН КОРХОНАЛАР, ЖУМЛАДАН, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ БЎЛИНМАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги ва «Хорижий сармоялар ҳақида»ги қонунларига мувофиқ ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига хориждан сармоя сарфлашни кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар билан корхоналар, халқаро бирлашмалар, ташкилотлар ва уларнинг бўлинмаларини барпо этиш тартиби тўғрисидаги Низом» ва «Хорижий сармоя билан барпо этилган корхоналарни, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларни, шунингдек уларнинг бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетлари икки ҳафта муддатда таъсис ҳужжатларини экспертиза қилиш ва халқаро бирлашмалар, ташкилотлар, Ўзбекистон ҳамда хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар иштирокида тузиладиган қўшма корхоналар, шунингдек уларнинг бўлинмалари самарали фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш комиссияларини тузсинлар.

Комиссиялар қабул қилган қарорлар дарҳол Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилсин.

3. Молия вазирлиги (**Ўртоқ Э. Ж. Боқибоев**) зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда қўшма корхоналар ва уларнинг бўлинмаларига рўйхатга олиш рақами беришни таъминлансин.

Ишнинг ушбу соҳаси топширилган мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилсин.

4. Давлат ташқи савдо алоқалари комитети (**Ўртоқ У. Т. Султонов**) зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг етти кундан кечиктирмай бу ҳужжатларни кўриб чиқиб, қўшма корхоналар ва уларнинг бўлинмаларига ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси деган рўйхатга олиш гувоҳномасини топширсин.

5. Молия вазирлиги (**Ўртоқ Э. Ж Боқибоев**), давлат ташқи савдо алоқалари комитети (**Ўртоқ У. Т. Султонов**) республикада ташкил этилаётган қўшма корхоналарга хизмат кўрсатишга ихтисослашган эксперт-маслаҳат ташкилотларининг кенг тармоғини тузиш чораларини кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган халқаро бирлашмалар ва ташкилотларнинг, хорижий корхоналар ва қўшма корхоналарнинг бўлинмалари, шу жумладан Ўзбекистонлик ва хорижий ҳуқуқий шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги бош корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган қўшма корхоналарнинг бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши шарт. Мазкур бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтмай фаолият кўрсатиши тақиқланади.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш умумий иқтисодий комплекс (**Ўртоқ Б. С. Ҳамидов**) ва Президент аппаратининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими (**Ўртоқ С. С. Сафоев**)га юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

## НУҚТАИ НАЗАР

# УСТОЗ ҚАДРИ

**Устозни улуғлаб жуда кўп мутафаккирлар пурмаъно фикрлар айтганлар, аммо буюк жаҳонгир Амир Темурнинг жуда чуқур рамзга ишора қилувчи эзгу бир иши ғоят ибратли. Ҳар гал Самарқандга бориб, Гўри Амирга кирганда шу манзарани кўриб чуқур ўйга толиб қоламан: Амир Темурдек буюк шахс ўз қабрини устози, пири — Саид Бараканинг пойига қўйилишини васият қилган. Бу васият адо этилган. Бунинг маъноси чуқурлигини сўз билан таърифлаш қийин. Ўз устозининг қадрига етмаган инсон ҳаёт ҳақиқатига кўра ҳеч қачон барака топмаган.**

Бугун мен жуда мамнуният билан айта оламанки, республикамизнинг бугунги раҳбарияти, ўқитувчи, устознинг обрў-эътиборини оширишга, қадрини кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Ўқитувчиларга баъзи жиҳатлардан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига тенг даражада имтиёз яратилаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Тўғри, ўқитувчига бизда турли даврларда турлича муносабатлар ҳукм сурди. Инқилобдан кейин ўқитувчининг обрў-эътибори жамият орасида баланд эди. Бу мактабдаги таълим-тарбия ишларига кучли таъсир этди. Ўқитувчилар катта қизиқиш, жонкуярлик билан ишлад, ўқувчиларни билим олишга, ўз камолоти учун курашишга ўргата билдилар. Янги тузумнинг пешқадам арбоблари, энг етук олимлари, адабиёт, санъат, маданият ходимлари таълим-тарбияга алоҳида эътибор берилганлиги туфайли етишиб чиқдилар.

Шундай бир даврни ҳам бошдан кечирдикки, ўқитувчидек мўътабар шахсга қишлоқнинг оддий бир бригадири ҳам ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Айрим раҳбарлар таълим-тарбия ишларини иккинчи даражали масала, деб қарай бошладилар. Колхозсовхоз раҳбарларининг «нозик» меҳмонларни кутиб олишга мўлжалланган меҳмонхонасига юз минг пул сарфланиб, кўз очиб юмгунча битирилган бир пайтда, мактаблар қурилиши ўн йиллаб судралиб ётаверди. Аҳоли сони тез ўсаётган республикамизда халқ маорифининг моддий базаси оғир аҳволга тушиб қолди. Ўқитувчилар таълим-тарбия ишларини икки, ҳатто уч сменада ташкил қилиб ишлашга мажбур бўлдилар.

Ўқитувчини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади: касбга хос оғир вазият туфайли ўқитувчи асаб ва бошқа касалликларга чалина бошлади. Бошқа касбдаги одамлар учун дам олиш зоналари, профилакторийлар қурилган, машиналар, уй-жойлар берилаётган бир пайтда ўқитувчи эътибордан четда қолаверди. Лекин холис айтиш керакки, ўқитувчи мўътабар шахс эканлигини англаб етган, халқ фарзандларига таълим-тарбия беришга ўзини астойдил бағишлаган ўқитувчилар ана шундай оғир пайтда ҳам мардона ишладилар.

Андижонлик мўътабар устоз — Мамажон Абдурасулов худди ана шундай оғир пайтларда ёшларга таълим-тарбия бериш борасида ўзининг маҳорат мактабини яратa олди. Жума Шукуров, Рихситулла Ҳусанов, Хўжамберген Иембергенов, Ҳаким Ҳошимов, Марям Ёқубова, Одил Акбаров, Усмонжон Обидовлар ҳам устоз номини юксак кўтариб, жон куйдириб ишладилар. Улар фидокорона меҳнатлари эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ ўқитувчиси деган фахрий унвонга сазовор бўлдилар. Булар қаторида юзлаб ажойиб ўқитувчиларнинг номларини фахр билан санаш мумкин.

Ўзбек халқи педагогикаси Шарқнинг ғоят маҳоратли тарбия мактабига, маҳоратига таяниб келган. Инқилоб арафасида бошланган жадидлар ҳаракати ана шу мактабни янада юксак даражага кўтаришга қаратилган эди. Жадидликни қоралаш Шарқ педагогикасидан узилишнинг биринчи бўғини эди.

Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидов, Саидрасул Саидазимов каби устозларимиз янгича куч-ғайрат билан ўтмишдаги таълим-тарбия ютуқлари билан боғланган ҳолдаги педагогикамизни яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу ҳаракатлари жамият томонидан қўллаб-қувватланиш ўрнига, қаршиликка учради. Халқни энг тўғри маърифат йўлига бошламоқчи бўлган бу зотлар «халқ душмани» сифатида қораландилар. Афсуски, улар ўз илғор ғояларининг қурбони бўлдилар. Шундан сўнг биз эски мактабларни аёвсиз танқид қилиш, фош этиш йўлига ўтиб олдигу, асрлар мобайнида яратилган педагогикамизнинг юзига тупроқ тортдик. Бу узилишнинг ҳал қилувчи бўғини эди.

Бузилган бинони қайта қуриш осон, хароба бўлган уйни таъмирлаш осон, аммо бузилган педагогикани ўнглашнинг билан қудуқ қазишдан ҳам минг марта машаққатли бўлган мушкул ишдир.

Ахир, биз бугун мадрасаларимиздаги тарбия сирларини билиш у ёқда турсин, шу яқин ўтмишда ўтган Абдулла Авлоний ёхуд Мунаввар Қорининг асарларидан ҳам тўла хабардор эмасмиз-ку! Халқ педагогикамиз эса бугун қора булут ортидаги юлдузлар каби узоқда! Беруний, Хоразмий, Ибн Сино сингари улуғ ватандошларимизнинг, фан асосчилари, деб тан олинган алломаларимизнинг ишларини мактабу олий ўқув юртларида ўрганиш учун дарсликларимизга лоақал илова сифатида кирита олмаганмиз.

Миллий мактаб яратиш хусусидаги ишларимизнинг асосий мазмуни ана шу муаммоларга қаратилган бўлиши керак. Қиз бола ва ўғил болани ажратиб ўқитиш ёхуд фақат миллий кийим кийишга ўргатиш билангина миллий мактаб яратиб бўлмайди. Миллий мактаб яратиш учун Республикамиз мустақиллиги мазмунидан келиб чиқиб, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий, маданий, маиший ўзига хосликларимизни комплекс ҳисобга олган ҳолда халқ таълимининг жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган тарзда иш тутишимиз зарур.

Мустақил халқ маорифисиз мустақил давлат тузиб бўлмайди. Бунинг учун ана шу талаблардан келиб чиқадиган вазифаларни адо этувчи ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, илмий методик қўлланмалар, қўшимча адабиётлар яратилиши керак.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги ўқитувчиларнинг обрў-эътиборини ҳар томонлама ошириш борасида изчил ишларни амалга оширмоқда. Вазирлигимизнинг ҳар бир ҳайъатида республикамиздаги энг илғор ўқитувчиларнинг тажрибалари ҳар томонлама ўрганилмоқда. Ўқитувчи ўзининг заҳматли меҳнати, изланиши, ижодкорлиги билан яратиб, синовдан ўтказган ишлар натижасига бефарқ қараб бўладими, ўтган йили ана шундай ўн нафардан ортиқ ўқитувчининг тажрибаси оммалаштирилди. Ҳозир эса бу тажрибалардан бошқа ўқитувчилар ҳам ўз ишларида фойдаланмоқдалар. Ўтган йили ана шундай тажрибали ўқитувчилардан 30 нафарига «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», 170 нафарига эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» унвони берилди. 150 нафар ўқитувчига Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи топширилди. Кўплаб ўқитувчилар «СССР халқ маорифи аълочиси», «СССР ҳунар-техника таълими аълочиси», «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси». Қори Ниёзий номли ва Крупская номли медалларга сазовор бўлдилар. Шундай тажрибакор, ўз ишига жонкуяр, изланувчан ўқитувчилар халқ маорифи кадрларининг олтин жамғармасини ташкил этади.

Жаҳондаги кўплаб тараққий этган мамлакатларнинг педагоглари истеъдодли ёшларни излаётган, улар учун алоҳида шароит яратаётган бир пайтда биз бундай тарбия йўналишини танқид қилиб, ҳаммага бир хил таълим-тарбия беришимиз билан мағрурланиб келдик.

Бугун биз бу хатомизни тушуниб етган ҳолда иқтидорли ёшлар учун алоҳида шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бугунги кунда деярли ҳар бир вилоятда иқтидорли ёшлар мактаб-интернатлари ишламоқда. Фақат табиий фанлар ўқитилишига эмас, балки ижтимоий фанлар бўйича иқтидорли ёшлар тарбиялашга эътибор берилмоқда. Тошкентда очилган Алишер Навоий номли нафис санъат мактаби бу йўлдаги дастлабки қадамдир. Кўплаб замон талабига мос лицейлар, фанларни чуқур ўқитадиган мактаблар иш бошлади. Бу ўқитувчиларимизга ўз истеъдод, имкониятларини кўрсатишига йўл очади.

Республикамиздаги ҳунартехника таълимини бутунлай қайта йўлга солиш, саноат ишлаб чиқариши, миллий ҳунармандчилик ихтисосларини ва бошқа кўплаб зарур ҳунарларни ўрганиш учун имкон берадиган замонавий ҳунар-техника билим юртлари яратиш устида изчил иш олиб боряпмиз. Яқиндагина Тошкент шаҳрида ўтказилган ҳунар-техника таълимига бағишланган халқаро анжумандан биз кўплаб зарур тажрибаларни ўргандик. Бу бизнинг халқаро миқёсга чиқишимизга, таълим-тарбия ишларини жаҳон стандартлари талаблари асосида ташкил этишимизга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Келажакда биз халқаро алоқаларни янада ривожлантириш йўлидан борамиз. Шунинг учун ҳам ёшларимизга она тили билан бирга рус тили, чет тилларини ўрганишга зарур шарт-шароит яратиб беришимиз лозим. Бозор иқтисодиётига кирилаётган, иқтисодий қийинчилик ҳукм сураётган бугунги кунда шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ўқитувчи — ўқувчи муносабатини тубдан ўзгартиришимиз керак.

Болаларда фанга, мутахассисликка, ижодий ишлашга қизиқиш уйғотиш учун, уларда авваламбор устозга муҳаббат туйғусини уйғота олиш керак. Мактаб тажрибасидан шу нарса яхши маълумки, одатда ўқувчи фанга шу фан ўқитувчиси орқали кириб боради. Фақат юқори синфлардагина ўқувчининг ўзи бўлажак касби, илм-фан ҳақида мустақил мушоҳада юрита бошлайди.

Ўқувчида ўзига нисбатан муҳаббат уйғота олган устоз болани нафақат фан оламига, балки маънавият, ахлоқ оламига ҳам бошлаб киради. Ўқитувчиларнинг авторитар услубдан фойдаланган ҳолда дарс ўтиши, жаҳолатга берилиши ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Бу эса ёшларимизни фаол фикрлашларига ёмон таъсир кўрсатади. Ўқитувчи-ўқувчи муносабатида шундай руҳий ҳолатни йўлга қўйиш керакки, бола мактабга завқ-шавқ, қувонч билан борсин. Ахир, мактаб бола учун хизмат қилиши керак!

Педагог доимий равишда ўз устида ишламас экан, маҳоратини кундан-кунга ошириб бормас экан, ҳеч қанақа маош, ҳеч қандай буйруқ, ёхуд қарорлар унга обрў-эътибор келтиролмайди. Ўқитувчи ўз обрўсини ўзи тиклашга, болалар, ота-она, жамоатчилик олдида ошириб бориши керак. Энг аввало, у ўз касбини севиши керак.

Бугунги мураккаб даврда, ҳар доимдагидек, ўқитувчи зиммасига мураккаб юмушлар, сиёсий партиялар ўртасида баҳс-мунозаралар кетаётган, иқтисод таназзулга юз тутган, кўпчилик ёшларимиз ҳеч нарсага ишонмай қўйган бир вақтда у эндигина катта ҳаётга илк қадам ташлаётган йигит-қизларимизга тўғри, эзгу йўл кўрсата олиши керак, уларга ҳаётни борлигича таърифлаши, шу билан биргаликда ўқувчиларни болаликларидан маҳрум қилмаган ҳолда уларни ҳеч бир қоқилтирмай катта ҳаёт йўлигача олиб чиқиб қўймоғи зарур.

**Ж. ИЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.**

● **НАМАНГАН** районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида ишсиз ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор бериляпти. Шу мақсадда бу ерда кичик корхоналар очилмоқда. Яқинда хўжалигининг Ғалча қишлоғи марказида атлас тўқиш цехи очилди. Ундаги 20 та дастгоҳда 50 нафар қишлоқ ёшлари атлас тўқимоқдалар. Кунига 150—200 метрдан зиёд атлас тўқилиб, аҳоли истеъмолига узатиляпти.

**СУРАТДА:** жамоа хўжалиги раиси муовини Эркинжон Ҳожиев тўқувчи-қизлар Наима Аҳмедова ва Марҳабо Иномовалар билан маҳсулот сифатини яхшилаш устида фикрлашмоқда.

**П. АКБАРОВ** олган сурат.

## МАВЛУДАНИНГ КЎЙЛАКЛАРИ

**Мавлуда Саидова Охунбобоев районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида яшайди. У уйида ўз фирмасини очди. Бу ерда болалар учун миллий кийимлар, келинларга тўй либослари, турли ёшдаги аёллар учун усти бош тикилмоқда.**

**Мавлуда бундан аввал жамоа хўжалиги далаларида меҳнат қиларди. Чарчашига қарамай бўш қолди дегунча кийим-кечак бичиш ва уни тикиш билан шуғулланарди. Яхши тикув машинасини сотиб олиб, қўшниларининг буюртмаларини бажара бошлади. Шундай қилиб иш юришиб кетди. Ҳозир Мавлуданинг мижозлари жуда кўп, улар ўзига хос чиройли қилиб, дид билан тикилган кийимларни жонжон деб сотиб олишмоқда. Чевар аёлга эри ҳам, болалари ҳам ёрдам беришади. Улар биргалашиб ҳар ойда 40 минг сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатишмоқда.**

**Мавлуда Саидованинг истиқболдаги режалари катта. У ўз фирмаси маҳсулоти турини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ниятидадир.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

## ШОЛИКОРЛАР ЮЗИ ЁРУҒ

Ворошилов районидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги шоликорлари Сирдарё вилоятида биринчилардан бўлиб режани ортиғи билан адо этдилар. Давлат омборларига 9 минг 5 тоннадан зиёд юқори навли ҳосил етказиб берилди.

Э. Туронов, А. Саидваққосов, Д. Каримов сингари бригада бошлиқлари, А. Бердиқулов, С. Пиримов, Қ. Норқулов каби комбайнчилар бу ютуққа баракали ҳисса қўшдилар.

Ворошиловлик шоликорлар ялпи хирмонни 13 минг тоннадан оширишмоқчи.

**А. УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### РЕСПУБЛИКА БАЛИҚ САНОАТИ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил ҳалол меҳнат қилганлиги ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этганлиги учун қуйидаги ўртоқлар **Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи** билан мукофотлансин:

**Бакиров** Мурод — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг ҳайдовчиси

**Бочков** Пётр Иванович — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош технологи

**Зокирёев** Малик— Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг ҳайдовчиси

**Каипова** Турдигул — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси

**Қодиров** Жаббор Аҳмедович — Фарғона вилоятидаги Фрунзе балиқчилик хўжалигининг тракторчиси

**Криклей** Владимир Степанович — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг моторчиси

**Кузембоев** Бисен — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Пелагеин** Анатолий Сергеевич — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг балиқчиси

**Сафаров** Ҳасан Соқиевич — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг балиқчиси

**Сафиулин** Марат Мунирович — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг участка бошлиғи

**Тагиров** Ҳамза Рустамович — Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон балиғи» концерни Дамачи балиқчилик комбинатининг ҳайдовчиси

**Тошев** Номоз Раҳматович — Бухоро вилоятидаги Навоий район балиқ саноати хўжалигининг балиқчиси

**Хўжақулова** Лилия Владимировна — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмаси лабораториясининг бошлиғи

**Қуйидаги ўртоқларга «Хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берилсин:**

**Алмухонова** Мариаш — Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси

**Сулаймонова** Карима — Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасининг балиқчиси

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 9 ноябрь.

## ЖАЙРОНҚУДУҚ СИРЛАРИ

● **Кончилар шаҳри Учқудуқда маҳаллий тадқиқотчилар куч-ғайрати билан ташкил қилинган ўлкашунослик музейида ғаройиб ашёларга дуч келишингиз мумкин.**

Бу ерда динозавр, акула, денгиз тошбақаси каби афсонавий жонзотларнинг яхши сақланиб қолган тишлари, суяк қолдиқлари билан бир қаторда қадимий аждодларимизга мансуб ва минг йиллар муқаддам ясалган кулолчилик буюмлари, иш қуроллари, ишлов берилган феруза тошлар, ҳатто мис эритиш печлари бор.

Марказий Қизилқумнинг геологик қатламларини ўрганиш саҳро ўрнида қадимий денгиз бўлгани, атрофини қалин ўрмонлар қоплаб турганини тасдиқламоқда. Яқинда «Шимол» кон бошқармаси геологи В. Марченко билан Москва геология-қидирув илмгоҳи илмий ходими В. Соболев ҳамкорликда «Мингбулоқ» давлат қоракўлчилик хўжалигининг яйловларидаги Жайронқудуқ деган жойда аждодларимиз қолдиқларига дуч келишди. Бу ерда неолит даврига мансуб кулолчилик буюмлари, кремнийдан ясалган иш қуроллари топилди. Шундай ашёлар Итемир қудуғи атрофида ҳам кўплаб борлиги аниқланди.

**Н. НАИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## БАЙРАМ ШАРОФАТИ

**Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек маданияти куни байналмилал дўстлик байрамига айланиб кетди. Вилоят ўзбек миллий маркази бу эзгу ишнинг ташаббускори бўлди.**

**Тантаналарда қатнашиш учун Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри меҳнат жамоаларининг делегациялари, ижодкор зиёлиларининг намояндалари таклиф этилди.**

**Карнай ва сурнайларнинг садолари остида эрталабдан бошлаб одамлар Сулаймон тоғи этакларига йиғила бошладилар. Бобурининг тоғ ён бағридаги ҳужраси қайта тикланиб уй-музейга айлантирилган. Ривоятларга қараганда, бир вақтлар «Бобурнома»нинг машҳур муаллифи шу ерда ҳордиқ чиқарар эди. Бу мўжаз ҳужрани тиклашга хоразмлик уста Иброҳим Ражабов билан уста Сафарбек Отабоев катта ҳисса қўшдилар.**

**Тантана меҳмони, АҚШ фуқароси, «Эл» уюшмаси президенти Абдурауф Мақсудий Бобурнинг уй-музейига 20 минг сўм совға қилди.**

**Шундан кейин Бобур номидаги Ўш вилоят драма ва мусиқали комедия театри санъатқорлари билан Қирғизистон жумҳурияти жанубининг ҳаваскор артистлари катта томоша қўйишди: оқ отга минган Бобур ўз мулозимлари билан кўпгина томошабинлар қуршовида Оқсаройдан байрам қатнашчилари ҳузурига тушиб келди. Сўнгра томоша Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида давом этди. Байрамнинг ўзбек адабиётининг асосчиси таваллудининг 550 йиллигига бағишланган расмийроқ қисми шу ерда ўтди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар Навоий ижодиётининг Ўрта Осиё халқлари миллий маданиятини тиклашдаги ва халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.**

**Ўзбек маданиятининг қирғизлар диёридаги бу байрами охирида вилоят маркази ўйингоҳида катта концерт қўйилди. Унда СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев, республика халқ артисти Ортиқ Отажонов, хизмат кўрсатган маданият ходими, андижонлик ҳофиз Авазбек Маҳмудов, хонанда Ҳурриятт Исроилова, шунингдек Қирғизистон жумҳуриятининг санъат усталари қатнашдилар. Бундай байрамлар халқларни иноқлаштириб, бирлаштириб боришига ҳамманинг ишончи комил бўлди.**

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ

**САМАРҚАНД** сут маҳсулотлари комбинатининг меҳнаткашлари янги маҳсулот — «кабия пишлоғи»ни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдилар. Бундай пишлоқ тайёрлаш усулларини кубанлик ўз ҳамкасбларидан ўрганишди.

Ҳозир вилоят дўконларига ҳар куни 400—500 килограмм пишлоқ юборилмоқда. Уни ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш режалаштирилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, пишлоқни тайёрлаш учун қаймоғи олинмаган сифатли сут зарур. Бундай сутни Самарқанд районидаги М. Горький ва Улуғбек номли жамоа хўжаликларининг чорвадорлари етказиб беришмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

● **БУЛУНҒУР** районидаги Ўзбекистон Компартиясининг қирқ йиллиги номли совхозининг чорвачилик фермаси бузоқбоқари Санобар Бўрибоевани ҳамкасблари ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки у меҳнатда доимо ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келяпти. Янги туғилган бузоқларни биринчи кунидан бошлаб беш ойликкача парвариш қилади. Жорий йилнинг ўзида 82 бош бузоқни ўстириб, ҳамкасбларига топширди. Ҳозирги кунда яна 60 бош ёш бузоқларни парвариш қилмоқда.

**СУРАТДА:** Санобар Бўрибоева ўз бузоқларини парвариш қилаётган пайт.

**Т. ДАВЛАТОВ** олган сурат.

● Қишга тайёрмисиз?

# ТАҲДИД

Ҳа, шунақаси ҳам бўлади. Имиллаб иш тутган кишига талабчанлик қилсангиз, одатига хилоф иш тутгиси келмайди: «Ўтган йилдан қолган иш борми?» дея бетга чопади. Ора-сира учраб турадиган бундай кишилар шу каби аҳвол оғир талафотларга сабаб бўлишини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Мисолми? Мисолини Қорақалпоғистон жумҳуриятининг жанубий районларида яшаганлар ёки у ерларда бўлганлар билишади. Хуллас, гапнинг бердиси бундай: аввалги йили Дулдул хатлаган — Тўрткўл—Беруний газ қувури бунёд этилди. У Тўрткўл—Элликқалъа — Беруний районларини кесиб ўтди. Узунлиги 131 километр. Қувурнинг йўғонлиги 273 миллиметрдан иборат бўлиб, нафи жуда оз тегди. Айни қиличини ялағочлаб қиш келганда эса...

Бу ёғи энди ғирт ташвиш! Қувурнинг газ ўтказиш қуввати талабга жавоб бермай қўйди. 77 миллион ўрнига 182 миллион куб метр газ ҳайдашга мажбур бўлинди... Газ ўтказишдаги бунақа зўриқиш одатдаги технология талабларига мутлақо хилоф эди.

— Афсуски, шундай қилишга мажбур бўлдик, — дейди Беруний район ижроия комитети раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Шермуҳаммад Мамедов. — Нега деганингизда, айни иссиқлик зарур бўлган қиш ойларида газ босими жуда пасайиб кетди. Тармоқнинг газ манбаидаги босим 40 бўлгани ҳолда Беруний районига етиб келган қувурларда босим 2—3 дан ортмади. Яъни, газ келишга келди-ю, на уйларни иситди, на қозон қайнатишга яради.

Бунинг чораси изланди. Топилди. Мавжуд газ қувури билан ёнма-ён иккинчи навбат қурилиши барпо этиладиган бўлди. Лойиҳалаш тез амалга оширилди, объектни бу йилги қурилиш режасига киритишга ҳам улгурилди. Октябрь ойигача 1 миллион 687 минг сўмлик иш бажарилди. Қурилиш-монтаж ишларига сарфланган маблағ 1 миллион сўмликдан ортиқни ташкил этди.

Бундай иш суръати ўз самарасини кўрсатади, деган умид газдан фойдаланувчиларда ҳам устивор кайфият уйғотмоқда. Чунки буюртмачи — «Средазтрансгаз» давлат корхонаси ва бош пудратчи — «Узбекгазстрой» трести ишларнинг боришини изчил назорат қилиб турибди. Ҳафта сайин қилинган ишлар таҳлил қилиниб, етишмовчиликларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Куни кеча катта ишнинг дастлабки даврасига якун ясалди. Иккинчи навбат қурилишидаги 20 километрли участкада иш тугалланди. Тармоқнинг газ билан ишлаш ҳолати синаб кўрилди. Илк натижалар қувончдан дарак беряпти. Лўнда қилиб айтганда, бу йилги қишда газ таъминоти анча яхшиланиши мўлжалланган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, умид бутун бўлиши учун ташкилотчилик ишларига зўр берилиши керак. Бўлмаса ўтган йилги аҳвол такрорланмайди, дейишга ҳали тўла кафолат йўқ. Ўтган йили одамларни қишдан олиб чиқиш учун эҳ-ҳе, нима чоралар кўрилмади. Энг ёмони — айни қиш палласида Беруний шаҳар саноат корхоналари тўхтатиб қўйилди. Уларга юборилиб турган газ оқими уйларга, мактаб, боғча-яслиларга йўналтирилди. Афсусланадиган ери шундаки, бундай ҳолат 20 кун ҳукмронлик қилди. Корхоналар режа тартибидан бутунлай янглишиб кетди.

Газчиларнинг бугунги сўръати яхши. Лекин ишдаги шу уюшқоқлик, шу маромни жуда бўлмаганда сақлаб туриш, пасайишига йўл қўймаслик керак. Район жамоалари кўрсатаётган ёрдамни табриклаш керак. Улар қиш ғамини еб қувур ўрнатиш, қурилиш-созлаш ишларида қатнашаётган газчиларни кундалик иссиқ овқат билан таъминлаб турганлари чин одамийлик, муносиб мадад, деб баҳоланишга арзийди.

Бундай қўллаб-қувватлаш газ қувури бунёдкорлари ғайратини оширяпти. «Узбекгазстрой» трестининг Беруний район механизациялашган кўчма колоннаси азаматлари баланд руҳ билан меҳнат қилиб, смена нормаларини муттасил ошириб бажаришга муваффақ бўлишяпти. Вахта усулида ишлаш яхши натижалар бермоқда.

— Бироқ келгуси йилги ишларга замин ҳозирлаш аҳволидан хавотирдамиз, — деб таъкидлади Ш. Мамедов ғаладонидаги қоғозларни олиб, рақамларни ҳаёлан таққосларкан. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққуловнинг яқиндан кўрсатган амалий ёрдами туфайли 1990 йили Нижний Новгород вилоятининг Виксун металлургия заводи билан келишилган 55 километр қувурнинг 45 километри олинди. Қолгани ҳам келади. Лекин келгуси йилги ишлар учун қувур топиш муаммо бўлиб турибди. Қувургина эмас, газ тармоқларини ўрашда ишлатиладиган изоляция материаллари муаммоси ҳам ҳал бўлмай турибди.

Айтиш керакки, Қорақалпоғистон ажратган маблағнинг ҳаракатсиз туриши қишқировли кунларда ҳеч кимнинг уйини иситмайди. Агар уч район ҳудуди оралаб ўтган 131 километр узунликдаги газ қувури иккинчи навбат қурилиши ҳам вақтида тўла-тўкис барпо этилмаса, Ўзбекистон Президентининг қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги Фармони Қорақалпоғистонда амалга ошмай қолиши хавфи таҳдид солиб турибди.

Гап шундаки, ўтган йилдан қолган ишлар бу йил бажарилляпти. Келгуси йил тараддуди нима бўларкин?

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

• БАҲС УЧУН МАВЗУ

# ТИРИКЛАР БУРЧИ

ОТА-БОБОЛАРИМИЗ «Мачитинг узоқ, мозорнинг яқин бўлсин» деб бежиз айтишмаган. Шу боисдан ҳам қадимда ҳар даҳанинг, маҳалланинг ўз қабристони бўлган. Замон ўзгариши билан улкан бинолар бунёд этилиб, кенг кўчалар очилиши туфайли баъзан атайлаб, кўплаб қабристонлар ер билан текис бўлиб кетди. Энди улардаги айрим қабрларнигина эмас, бутун бошли қабристонларнинг изини тополмайсиз. Мен узоқдан мисол ахтармайман, ўзим яшаб турган Тошкент шаҳрида кўзим ўнгида юз берган бир неча мисолни келтиришим кифоя. Собир Раҳимов районидаги Тахтапулда эски қабристон устига «Қаҳрамон» маҳалласи ўз идорасини чўнқайтирганига кўп йиллар бўлди. Октябрь районидаги 5-квартал бекатида эса ўнлаб хонадонлар ўз ҳовлиларидан қабристон ҳудудига эшик очиб, мозорлар устида бемалол қўйхонаю товуқхоналар қуриб олишди. Мана сизга аждодлар ҳокитупроғига муносабат, улар хотирасига бўлган иззат-икром!

Шаҳар Кенгаши топшириғига биноан бу қабристонларда дафн этилган аждодлар ҳокини миллий расм-русмларимиз билан обод қабристонларга кўчиришга қарор қилинди. Чунки қабристон атрофидаги хонадонларнинг «ҳужуми»дан мозорларни омон сақлашнинг иложини топиш амри маҳол бўлиб қолди. Афсуски, Тахтапулдаги ва 5-кварталдаги ташландиқ ҳолга тушган қабристонларда мангуликка бош қўйган аждодларнинг авлодларини топиш осон иш бўлмади. Оқибатда бу хайрли ишни амалга ошира олмадик. Шу атрофдаги хонадонлардан: «Бу қабрларнинг эгалари уй-жойлари бузилиши муносабати билан турли жойларга кўчиб кетишган» деган жавобни олдик, холос.

Уй-жойларнинг ҳуда-беҳуда бузилиши ҳам оғир муаммо. Лекин нега биз ўз қариндош-уруғларимиз дафн этилган табаррук жойларга бунчалик бепарвомиз? Аждодларимиз ҳоки-тупроғини текислаб бировлар ҳовлисига қўшиб оладими, устига чойхона қуриб гурунг қиладиларми, нега биз учун фарқи йўқ? Улуғ айёмларда, ҳайит кунларида, рўза арафаларида нега барча баробар яқинларимиз қабрини зиёрат этгали йўлга тушмаймиз?

**Тошкент шаҳрида янги бинолар қурилиб, аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шаҳар 2,5 миллионлик чегарага яқинлашмоқда. Хўш, шаҳарни лойиҳалаштириш ташкилотлари қабристон муаммосини қандай ҳал қилмоқдалар?**

Бу масала тоятда ачинарли деб рўй-рост айтиш керак. Қабристонга «аҳамиятсиз объектлар» сифатида қараб келинмоқда. Бу дард жуда илгари бошланган ва ҳозирда ҳам шундай давом этмоқда. Акс ҳолда Чилонзор районидаги Қатортол кўчасида 300 йиллар давомида халқ ардоғида сақланиб келган «Нўғайқўрғон», «Қатортол» қабристонлари кўчанинг қоқ ўртасида жойлаштирилиб, икки тарафига кўп қаватли бинолар қурилармиди? Яна шу районда, шу кўча адоғида Дўмбиробод қабристони жойлашган Оврупа миллатларига мансуб қабристон биқинига «Алгоритм» (нечун ал-Хоразмий эмас) шаҳарчаси шу қадар эҳтиётсизлик билан қурилармиди? Мана орадан озгина вақт ўтиб, эндиликда шаҳар халқа йўлидан 30—40 километр узоқликдаги Усмон Юсупов номли совхоз ҳудудидан юз гектар ер сўраб, янги қабристон барпо этилмоқда. Уз жигарини шунча узоқликка олиб бориб қўядиган кишиларнинг ўрнига ўзимизни бир зум қўйиб кўрайлик. Ахир бу нафақат, тирикларга, балки марҳумларга нисбатан ноинсофлик-ку!

Туркистон ҳарбий округи ўз музейини Куйбишев районидаги «Лафарга» қабристони биқинига қуришни режалаштириб, икки оёғини бир этикка тиқиб турибди олди. Зуғум кўрсатишнинг ҳам чегараси бор-да! Марҳумларга алоҳида иззат-икром кўрсатишда ибрат бўлиши лозим бўлган бу маҳкама зуғуми билан тўрт гектарлик қабристонни ёпишга тўғри келди. Бу ҳам етмагандек, қабристонга тақаб шаҳардаги энг йирик боллалар касалхоналаридан бири лойиҳалаштирилди. Шундай қадимий ва улкан шаҳарда қабристон тақдирига жавобгар маҳкаманинг йўқлиги кўпгина шахсларга қўл келиб турибди.

Мавжуд қоидаларга кўра, қабристон истиқомат жойларидан 300 метр йироқда очилиши мумкин, деган қонун рўкач қилинади-ю, аммо қабристонни ёпишга тўғри келганда, бу қонундан осонгина кўз юмилади. Шаҳар лойиҳалаштириш идоралари ва мутасадди ўртоқларга бу қонун эслатгудек бўлинса, «ҳозирча қуриб турайлик, зўр келса қабристонни ёпармиз», — деган мантиқсиз изоҳ оласиз. Худди шу аснода биргина Куйбишев районида «Олтинтепа», «Биринчи Ялангоч», «Қизмозор», «Лафарга» қабристонлари яқин вақтлар ичида ёпилиб кетди. Сўнгра 20 йил давомида шаҳарда ўндан ортиқ қабристон ана шу зайилда яксон этилди.

**Хўш, бугунги кунда аҳвол қандай! Абадият қўрғонларига етарлича эҳтиром кўрсатиляптими! Афсуски, қабристон муаммоси ҳал бўлмай турибди.**

«Минор», «Шайх Зайниддин бобо», «Жўрабек», «Дўмбиробод», «Султонқул», «Сағбон», «Чилонзор» қабристонларидаги ўринлар қаричмақарич ҳисобланиб, дафн этиладиган ер йўқлигидан ёпилиш арафасида. Лекин бу қабристонларнинг тақдири лойиҳалаштирувчилар томонидан жиддийроқ ўйланганда эди, бундай аҳволга тушмасдик. «Шайх Зайниддин бобо» қабристонининг ўрни 80-йиллар бошида Тошкент тўқимачилик комбинатининг филиали учун ажратилиб, бир неча ўн гектарлик майдон мана бир неча йиллардан буён қаққайган темир бетон устунлардан бўшамай турибди. Бу майдондаги Генерал Узоқов кўчасигача бўлган ер шу қабристон ихтиёрига берилганда эди, XIV асрдан буён мавжуд бўлиб келган тарихий қабристон халқимизга яна бир неча асрлар хизмат қилган бўларди!

ТАРИХИЙ қабристонлардан бири «Минор»дир. Унинг ҳар икки тарафидан ўтган Ленин ва София шох кўчалари қадимий қабристонни атайлаб кесиб ташлаш учун қурилганга ўхшайди. Унинг бўйларига ўйламай-нетмай қурилган турли иморатлар, ташкилотлар қабристондаги сокинликни бузиб туради. Худди шундай ҳурматсизликни «Шайх Зайниддин бобо» қабристони бошига қурилган «Кўкча» кинотеатри биноси мисолида ҳам кўриш мумкин. Одатда бу кинотеатр кўпроқ ҳинд фильмларини кўрсатганидан, маросим пайтларида ҳам қабристон бўйлаб ҳинд қўшиқлари янграб туради. Шаҳардаги энг қадимий ва мўътабар қабристонлардан бири саналган бу зиёратгоҳга ташриф буюрган, бу ерда жойлашган «Кўкча» масжидига келувчи мўйсафидлар бу шўх қўшиқлардан гоҳо ғанғиб, гоҳо ранжиб қолмоқдалар. Қолаверса, кинотеатрга келган ёшлар қабристон дарвозаси олдида ўзларини бу ерда ётган табаррук зотлар руҳига номуносиб тутмоқдалар. Бу эса, умумий тарбиявий ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хўш, «Кўкча» даҳасига кинотеатр зарур экан, наҳотки уни бир неча қадам беридаги Оқлон бекатидаги боғ қўйнида қуриш мумкин эмас? Узоқни ўйласак, бу масалани ҳали ҳам оқилона ҳал этиш имкони бор. Келинг, шаҳардаги энг қадимий қадамжолардан бирининг дарвозаси олдида одоб сақлайлик! Марҳумлар руҳини оёқ ости қилишдан ўзимизни тияйлик. Номозхон ота-оналаримизга ҳурмат кўрсатайлик!

«Кўкча» даҳасида ҳал этилиши лозим бўлган яна бир муаммо бор. Бу ердаги Кўкча масжидига ҳар куни никоҳ ўқитгани юзлаб йигит-қизлар келади. «Кўкча» даҳасининг гавжумлиги маълум. Шу сабабли бу ерга келувчиларнинг сони ҳам кўп. Оқибатда енгил машиналар қабристон йўлагидаги кичик майдончага сиғмай кетади. Айниқса ўнлаб енгил машиналар тизмасидан иборат «никоҳ карвонлари» дафн маросимига тўғри келиб қолгудек бўлса, «Кўкча» даҳаси остин-устун бўлиб кетади. Бу аслида ҳар куни бўлиб турадиган ҳол, негаки, бу ерда ҳар куни бир неча дафн маросими ўтиб турибди. Оқибатда, шундоқ ҳам ниҳоятда тор бўлган Уйғур кўчасида ҳаракат тўхтаб қолади. Энг аянчлиси, тўй билан аза қоришиб кетади... Бунинг ижобий ечимини топиш мумкинми? Шаҳар мутасаддилари халқ билан озгина бамаслаҳат иш тутсалар бундай ечимларни халқнинг ўзи таклиф этади: чунончи кўкчаликлар кўпдан буён «Кўкча» кинотеатрини Оқлонга кўчириб, кинотеатр биносини «Никоҳ уйи сифатида фойдаланишни таклиф қилиб келмоқдалар. Халқ таклифига қулоқ солинса, тўй билан аза бир эшикдан кириб чиқишига аллақачон чек қўйилган бўларди!

Қабристонлар бизнинг бебаҳо тарихий ёдгорлигимиз, аждодларимиздан қолган буюк меросимиздир. Лекин уларнинг кўплари аянчли аҳволда. Эндиликда шаҳарда жойлашган қабристонларнинг аксарият қисмини фақатгина аҳоли турар жойлари ҳисобига кенгайтириш имконияти мавжуд. Албатта, планли уйлар, кўп қаватли бинолар, саноат иншоотлари бундан мустасно. Шаҳар Кенгаши қабристонлар атрофидаги уй-жойлар истиқболини ўрганган ҳолда уларнинг муайян қисмини шаҳарнинг истиқболли массивларига кўчириш, бу билан боғлиқ бўлган товон пулларини тўлаш, қурилиш ускуналари билан таъминлаш ва ҳоказо таклифларни кун тартибига қўйди. Бироқ шунга қарамай, «Шайх Зайниддин бобо», «Чопонота», «2-Ялангоч», «Сағбон», «Катта Қозиработ» қабристонлари атрофида истиқомат қилувчи кўпгина хонадонларнинг розилигини олиш жумбоқ бўлиб турибди. Аждодларимиз руҳини шод этмоқ, марҳумлар ҳурматини бажо келтирмоқ, келгуси авлодларга муносиб зиёратгоҳ қолдирмоқ учун, қўйинги, эртадир-кечдир насиб этса ўзимиз ҳам келадиган абадият қўрғони учун ён беришни истамаётирлар. Наҳотки, буни тушунтириб ўтириш учун ваъз ўқиш лозим бўлса?

**Тошкентда фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси қошида «Гули сиёҳ» фирмаси барпо этилган. Бу ерда дам олиш куни деган тушунчанинг ўзи йўқ. Кунининг исталган маҳалида бу хизмат дўконларидан дафн маросими учун биринчи навбатда зарур бўлган кафанли, рўмол, совун-сочиқ, тоғора, челак, пахта, атир, човгум, ип, одми киймлик буюмларга, машинага буюртма бериш мумкин. Бу тажрибани бошқа жойларда ҳам кенгроқ жорий этиш керак. Лекин бу хизмат турида ҳам ўзига хос оқсоқликлар мавжуд.**

Сўнгги ойларда дафн учун зарур бўлган газламалар танқис бўлиб қолмоқда. Айниқса, якшанба кунлари, байрам айёмларида бу муаммоларни ҳал қилиш оғир кўчаяпти. Савдо бошқармалари раҳбарлари масаланинг жиддийлигини доимо ҳам ҳис қилавермайдилар, турли хил баҳоналар рўкач қилинади, оқибатда бошига мусибат тушган мотамсаро кишилар сарсон-саргардон бўлиб қолмоқдалар. Дафн билан боғлиқ хизмат турларини пайсалга солиш кечириб бўлмас ҳолдир! Биз бу масалада ёрдамга муҳтожмиз.

ШУ ЎРИНДА яна бир муаммо устида тўхталмаслик мумкин эмас. Маълумки, мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида «Видолашув уйлари» мавжуд. Маълумки, жамиятда шундай ҳурматли зотлар борки, уларни дафн этиш маросимини умумхалқ видолашувисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бизнинг шаҳримизда эса бу вазифани кўп ҳолларда марҳум хизмат қилиб келган идора ва ташкилотлар зиммасига юклашмоқчи бўлишади. Бу эса ниҳоятда оғир вазифа. Идора биносини таъзиябоп қилиб ҳозирлаш учун иш ниҳоясини кутиш керак. Ёки театрни тайёрлаш учун тамошаларни тўхтатиш керак, давлат ташкилотларини безаш учун кўпдан кўп одамларни ишдан қўйишга тўғри келади. Бунинг устига хайрлашув учун тайёрланган махсус қора ҳошияли алвон пардалар ҳамма биноларга ҳам тўғри келавермайди. Шаҳардаги кўпгина идора ва ташкилот мутасаддилари видолашув маросимини ўтказишда қийналиб қолмоқдалар. Биз ҳам кўнгилдагидек ёрдам кўрсатолмай ҳижолат бўламиз.

**Агар шаҳримизда тириклар учун қурилаётган ўнлаб-юзлаб муҳташам бинолар, саройлар, қасрлар қаторида биттагина «Видолашув уйи» барпо этилганда эди, хайрлашув жойимиз аниқ бўларди.**

Бизнингча, Ленин кўчасида жойлашган «Жасурлик ҳайкали» майдони бундай маскан учун анчайин мос келарди. Халқ ва жумҳурият манфаатлари учун, миллат камоли учун азиз умрини бахшида этган табаррук инсонларни, ажойиб замондошларни сўнгги йўлга ҳурмат ва эҳтиром билан кузатиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эмасми?

Бизнинг мамлакатимизда узоқ йиллар марҳумлар руҳига, қабристонлар масаласига турлича қарашда бўлиб келинди. Мен фуқароларга хизмат кўрсатиш соҳасида 20 йилдан буён ишлаб келганим туфайли, бу қарашларни ўз бошимда синаб келдим.

**Қайта қуриш туфайли адолат шабадаси эсмоқда. Хўш, адолат шабадаси бизнинг бугунги кунимиз, порлоқ келажагимиз учун ўз жонини ҳам аямаган табаррук зотлар ётган, аждодларимиз бош қўйган абадият қўрғонларига қачон етиб боради! Мен мана шу масалада фуқаролар хизматида бўлган ҳамкасбларим, барча дўстлар билан фикрлашгим, уларни мулоқотга чорлагим келади.**

**Сизлар нима дейсиз, азизлар!**

**Ҳожиакбар РАСУЛОВ,**

**Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи.**

ПУБЛИЦИСТ ШАРҲИ

# БИЗ ЎЙЛАЙМИЗМИ, СИЗ ЎЙЛАЙСИЗМИ?..

Ҳожиакбар Расуловнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасига йўллаган хати бизни ўйлантириб қўйди:

У инсонни залворли ҳаёлларга етаклайди: қабр устини қоплаган кўк майсаларга кўзингиз тушганми? Мурғак майса қабр тошларини ёриб чиққудек қудрат билан ниш уради. Ҳа, баҳорни қабрлар тепасида унган кўк майсалар бошлаб беради. Қор кўрпаси устидан тушиши билан бунда кўк майсалар кўкка талпинади. У сиз ва бизнинг инсоний меҳримизга қиш бўйи муштоқ ётган марҳумлар ҳоки тупроғидан тафт олади...

Фуқаролар хизмати мутасаддисининг жон қуйдирганича бор: қабристонлар устида қурилган томоша залларида биз хотиржамгина ўтириб кино кўрамиз! Қабр тошлари пойдеворида ётган мактабларда ота-боболарни эъзозлаш ҳақида панд-насиҳат қиламиз! Мозорлар текисланиб, улар устидан ўтган шох кўчаларда машиналарда учиб борамиз! Асрларга тенг қабристон устида бунёд этилган чойхонада чойхўрлик ва ошхўрлик қиламиз! Биз қозон учун қазиган ўчоқ балки бобомиз, балки момомиз гўрининг ҳандагидир? Мозорларга бўлган бундай беғрн тошлик бизда қачон ва қандай бошланган? Ахир, биз, мозорлар ёнидан отдан тушиб пиёда ўтадиган аждодларнинг авлодлари эдик-ку. Биз мозористон тошу-тупроғини тавоф қилиб, уларга умр бўйи сиғиниб келган туркий қабилалар авлоди эмасмизми? Бу авлодга нима бўлди? Наҳотки, келажак авлод бизнинг ҳоки-тупроғимиз устида ҳам «ўйин» тушиши мумкинлигини ёддан қочирамиз? Қабрлар нотинч экан, наҳотки биз тириклар бош кўтариб юришга ҳаққимиз бўлса?

Тўғри, тарих бизга аждодларнинг муқаддас қабрларини баҳузур тавоб қилиш, зиёрат этиш бахтини ҳамиша ҳам ато этавермади. Бугун 550 йошини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган буюк бобомиз Алишер Навоий қабри Ҳиротда, Девонаи Машраб — Балхда, шоҳ бобомиз Бобур — Қобулда, бобурийлар — Ҳиндистон тупроғида, Фурқат — Ёркентда қолдилар. Бизнинг авлодларимиз уларнинг ҳоку-тупроғига етолмай армонда, бироқ ўз тупроғимизга бош қўйган азиз ва мўътабар зотларни муносиб тарзда эъзозлаш бахтига муяссармизми? Увайсий ва Нодирабегим, Ҳувайдо ва Муқимий қабрлари хусусида матбуотда қанча армонли гапсўзлар бўлди. Буюк шоир ва файласуф бобомиз Аҳмад Яссавий мозорининг йўлларини неча ўн йиллар ўз қўлимиз билан тўсиб келдик. Бухорода атоқли адиб Аҳмад Дониш қабри текисланиб, унинг устида кўп қаватли бинолар қад кериб турибди!..

Тириклар ҳақида рост сўзлаш балки қийиндир. Келинг, бир бор бўлсада, марҳумлар ҳақида рост сўзлайлик: ўзбек мозорлари қай аҳволда? Сўнгги 70 йил мобайнида ер бетида эсган шабадалар турлича товланиб турса-да, худога шукур, ўзбеклар яшаб турибди. Демак, унинг қадриятлари ҳам яшайди, яшамоқда, яшайди ҳам. Шаҳарлар қурилмоқда, улар ҳудуди кенгаймоқда. Ўрта Осиёдаги энг баланд осмонўпар меҳмонхона — бизники! Салкам беш минг кишилик ўринга эга бўлган концерт залимиз Кремль томошахонасидан кейин иккинчи ўринда туради. Чўллар ўрнида қиёбонларимиз қад кўтарди. Осиёдаги энг катта пахтазор бизники! Янги уй-жойлар массивини ер бетидаги нақд жаннат дейсиз! Янги Ўрикзор массивида аллаким уч қаватли қаср қурибди. Ҳалоли бўлсин, қурсин! Аллақайси омборнинг кичкинагина мудири ер остидан икки қаватлисини қуриб битказганини бир қаламкаш дўстимиз мароқ билан айтиб берди. Отасига раҳмат, қурсин! Қургани қолади. Унинг ҳикоясида ҳам ҳасад йўқ, ҳавас бор, холос. Шу ўринда бир кичик савол туғилади: катта омборнинг кичик мудири ҳам, бошқаси ҳам ўз кошонасида абадий қолмайди, албатта бу фоний дунёдаги кошоналар фалак соати билан ўлчанганда киприк қоққунчалик фурсат, холос. Хўш, қисқа умрда ер бетида кошоналар қуриб улгурган кишилар у боқий дунё учун ҳам биронта ғишт қўя олдиларми? Биз эртаю кеч бу фоний дунёда ташмалаб ётган насибамизда, шу жумладан, тошу ғиштда марҳумларнинг ҳам насибаси, улуши бор, ахир! Ота-боболардан қолган ҳикматли удумимиз бор: ҳамма бойликнинг еттидан бири закотга берилмоғи керак!

Дунёнинг ҳамма жойларида, табиийки, мозорлар бор. Биз Болтиқбўйи, Кавказорти мозорларидаги манзарани кўз олдимизга келтирайлик: улар қабристондан кўра кўпроқ улкан гулзорларга ўхшайди. Хўш, ўзбек мозорларидан қай бирини гуржилар ёҳуд арман мозорларига қиёслаш мумкин? Хўш, ўзбек мозорларининг чин аҳволи қандай? Ростини айтадиган бўлсак, шу мақола муносабати билан биз мурожаат қилган кўпгина нуфузли идораларда қабристонлар муаммоси билан жумҳуриятда қайси идора бевосита шуғулланишини айтиб берадиган мард топилмади. Ҳа-ҳа, бир қараганда ҳамма шуғулланади, аслида эса, ҳеч ким! Катта бир жумҳурият идорасининг мутасаддиси бугунги кунда жумҳуриятда 6,5 минг қабристон бор деса, иккинчи бир арбоб 100 минг атрофидаги рақамни тилга олди. Ёпирай, тафовут ҳам шунчалар бўладими? Яксон бўлган қабристонлар сонини санаб етадиган ҳисобдон топилмаса ҳам керак.

БИРОҚ, минг шукурким, элда яхшилар кўп. Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг марҳум раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Туроб Нурмуҳамедовни ҳамюртлар катта ҳурмат билан тилга олишади. Деҳқончилик сиёсатида оғир йиллар бўлишига қарамасдан, Туроб ака 1970 йилда колхоз боғидан «Мирзаота» қабристони учун 21 гектар, «Иккинчи Ялангоч» қабристони учун 7 гектар ер ажратиб бергандилар. «Янгиобод» массиви эндиликда марҳумларни шу қабристонга дафн этишади. Тақдирни қарангки, марҳум раиснинг ўзлари ҳам шу ерга дафн этилдилар. Эндиликда қабристонга қадам қўйган ёшу қари унинг қабри пойига гул қўйиб, руҳига дуо фотиҳа ўқийди. Туроб ака Нурмуҳамедов ундан миннатдор бўлган ҳамюртлар ҳотирасида абадий яшамоқда.

Жиззах районидаги икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носиров халқ дуосини олган раҳбар эди. У колхоз ҳудудидаги тўрт қабристонни обод қилиш ишида бошқош бўлди. Колхознинг оддий фуқаролари, колхоз тузумига катта ҳисса қўшган кишилар, уруш ва меҳнат ветеранларининг таъзияларида бош-қош турарди. Эндиликда унинг колхоз марказидаги ҳайкали пойидан гуллар аримайди...

Фарғоналик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топволдиев таъналарга қарамай бир қисм пахтазор ўрнида яратган қабристон бугун унинг номини ёдга солиб турибди.

Ўзбек қабрларининг жафокашларидан яна бири собиқ жангчи, журналист Мажид Самадовдир. У Совет Иттифоқи ва ҳориждаги қатор мамлакатлар бўйлаб сафарларда юриб, ўзбек жангчиларининг қабрларини излади ва неча ўнлаб номаълум қаҳрамонларни кашф этди. Собиқ жангчи шу кунга қадар ўз ташаббуси ва имконияти ҳисобидан фидойилик қилиб келмоқда. Агар унга ижодий ташкилотларимиз, ҳарбий комиссариат озгина мадад ва мурувват қўлини чўзсалар, бу қутлуғ иш янада самаралироқ бўлиши муқаррар. Бироқ ҳозирча кекса журналист фидойилик йўлида ёлғиз ва мардонавор «жанг» қилмоқда!..

Қўллаб-қувватлашга муҳтож ташаббуслар ҳам талайгина. Бир пайтлари қабр тошларини харид қилиш унчалик қийин ҳам эмас, қиммат ҳам эмасди. Жумҳуриятнинг турли шаҳарларида ажойиб битиклари бўлган мармар тошларни буюртма қиладиган анча-мунча устахоналар бор эди. Харажатлари ҳам унча баланд эмасди. Энди чи? Афсуски, ҳамма жойда бўлгани каби қабр тошларини ҳам кооперативчилар эгаллашган. Нархи ҳам ошган. Хўш, Гуржистон, Болтиқбўйи жумҳуриятлари қабристонларида ҳар бир қабр учун хос бўлган тош лавҳалар, хотира лавҳаларини бизда ҳам инсоф-диёнат билан ясаб, ўрнатиб берадиган идоралар борми?

Бундан тўрт—беш йил бурун жумҳуриятимизда юз берган «дахрийлар ҳуружи» озмунча қадриятларни оёқ ости қилмади: «...бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодиёти эмас, балки маънавий танглиқдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади. Ахир яқиндагина эмасмиди, коммунист, айниқса, агар у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бу кишини партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлсада қутулиш учун, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзларидан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто ота-оналари вафот этганда касалхонада ётиб олишар ёки «шошилинч» командировкага кетиб қолишар эди... Бинобарин, динга нисбатан икки юзламачлик энг ҳунук шаклларг тусини олди... Бу пайтда эса бизда масжидлар бузиб ташланди. Бу 1988 йилгача давом этди». (И. А. КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти, «Известия» рўзномаси, 1991 йил 29 январь).

Шу ўринда Ғаллаорол райони марказидаги қадимий қабристонда 80-йиллар бошида халқ ҳашари йўли билан қурилган Тошқўрғонни кўриб қувонганимни эслайман. Яна бир сафар йўлим тушганда текислаб юборилганлигини кўриб ҳайратдан ёқа ушладим. «Дахрийлар ҳужуми» ана шундай натижа билан тугаган эди. Ўшандаги ҳукумат қошидаги диний ишлар Кенгашининг вилоятдаги вакили Инатулла Суннатуллаев эса: «Келинг халқнинг шунчалик меҳнати ва маблағи кетган қўрғонни бузмайлик, яхшиси асраб қолиб, уни ўлка музейига айлантирайлик!» — деган бир оғиз таклифи учун партия сафидан ўчирилди. Оқ тошдан ажойиб тарзда қурилган, минглаб кишиларнинг беминнат пешона тери билан бунёд этилган абадият қўрғони булдозерчиларнинг бир неча дақиқалик ҳуружида ер билан яксон қилинди. Ғаллаоролдаги бу машъум ҳодиса ёлғиз воқеа эмас, албатта. Бизнинг республикамизда яқин ўтмишда бульдозер солинган қабристонлар каммиди?

— «Бир неча асрлик Парпи ота мақбарасини бузишда сусткашлик кўрсатгани учун» деган айбнома билан мени ишдан олишганди, — деб ёзади Жиззах районидаги Ленин қишлоқ Советининг собиқ раиси, кекса коммунист Яхшилик ака Анқабоев. — Партиявий жазо олиб ишдан кетсамда, лекин бугун эл-юрт олдида юзим ёруғлигидан фахрланаман. Чунки халқ эътиқод қўйган азиз қадамжо бус-бутун сақлаб қолинди. Ўша машъум кунда зиёратгоҳ тепасига етиб келган бульдозернинг йўлини тўсиб чиққанлар озмунча озор чекишмади. Кейинчалик бизни райком бюросида «ўсал» қилганлари ҳозирги қайта қуриш кунида ҳам гўё ҳеч нима бўлмаганидек ваъз айтиб, одамларни яна ўз оғзига қаратиб юришибди. Қайта қуришни кимлар маломатга қўйганлигини эл билиб қўйиши керак! Пайғамбаридан тониб, худосини унутган, дунёда ёлғиз бир нарсани—мансаб худосининг этагидан тутган дахрийлар қайта қуришнинг қутлуғ одимларини маломатга қўйдилар. Лекин улардан бирортаси на инсоф юзасидан, на виждон юзасидан қадриятларга қилган ҳиёнатлари учун халқдан кечирим сўрашни ҳаёлларига ҳам келтирмайди...

Ҳа, шундай. Академик Садриддин Йўлдошев, файласуф олим Дўнан Набиев каби республикага таниқли кишилар ўз жигарларини дафн этиш маросимида қатнашганликлари учун оғир партиявий жазо олдилар. Уларни яхши билган, атрофини ўраб турган кишилар ҳам ҳимоя қилолмадилар. Аксинча, машъум оқимга қўшилиб, гуноҳсиз кишиларга маломат тошлари отдилар Чунки, республикада дахрийлар салтанати ўрнатилган қора кунлар эди...

Туғилибмизки, ўлим ҳақ ва бу савол ҳам муқаррар: «Биз ўйлаймизми?..» Биз ушбу саволни ҳар биримиз, мансаб пиллапоясининг қайси бўғинида туришимизда қатъи назар, онда-сонда ичдан такрорлаб қўйсак ёмон бўлмасди... Акс ҳолда, жумҳуриятдаги ўн минглаб қабрлар, қадамжолар яксон бўлармиди?

Хўш, сиз яшаб турган жойларда қабристонлар аҳволи қандай? Абадият қўрғонларимиз ободми?

Неча ўн йиллаб қабристонларга бўлган меҳр-оқибатсизлигимиз ва адолатсизликни турли хил баҳоналар билан ниқоблаб келдик. Гоҳ сиёсатдонлардан нолидик, гоҳ дахрийлардан дод дедик. Турли-туман тўсиқларни пеш қилдик. Ҳайриятки, қайта қуриш шабадалари эсиб, мамлакатда эътиқод-виждон эркинлиги пойдевори мустаҳкам заминга эга бўлди. Хўш, энди нимани рўкач қиламиз? Энди ким йўлимизни тўсмоқда? Марҳумлар руҳи учун ҳайри-саҳоват қиладиган қўлимизни ким боғлаб турибди? Бу борада ислом ичида янги партия тузамиз, деб, аслида, ислом ўзи улкан партия эканлигини ва ҳар қандай партия уни парчалаш билан танг эканлигини унутган айрим шаддодларга ҳам таънализ бор: келинг, виждон эркинлиги ва диний эътиқодимиз йўлида саъй-ҳаракатларни бириктириб, марҳумлар руҳига саҳоват қилайлик. Марҳумлар руҳи шод бўлган юртдагина тириклар чин бахтиёр бўлиши мумкин!

**Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

## Обуна баҳоси:

**бир йилга — 25 сўм 68 тийин;**
**ярим йилга — 12 сўм 84 тийин;**
**уч ойга — 6 сўм 42 тийин.**

**Нашр кўрсаткичи — 64583**

## ОБУНА ТУГАШИГА ИККИ КУН ҚОЛДИ, ШОШИЛИНГ.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА!

○ Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармаси "Ўзбекистон овози" муҳарририяти билан шартнома тузди ва биз план топшириқларини ошириб адо этяпмиз. Бошқармамиз муқофот тарзида 100 нафар қурувчини "Ўзбекистон овози" рўзномасига обуна қилди ва улар келгуси йили рўзномани севиб ўқишадиган бўлди.

Билолдин ТЎЙЧИБОЕВ,
Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи.

x

○ Шаҳрихон пойи тўқиш фабрикаси маъмурияти корхона ҳисобидан 1992 йил учун "Ўзбекистон овози" рўзномасига 100 киши— ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган пенсионерларни обуна қилди.

"Ўзбекистон овози" рўзномасига обуна давом этмоқда.

Абдужаббор АРАББОЕВ,
корхона раҳбари, Андижон вилояти.

## БИР ХЎЖАЛИКДАН—300 КИШИ

Қамаши районидаги «Марксизм» жамоа хўжалигида 300 киши «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна бўлди. Боймурод Абдуалимов бошлиқ сутчилик фермаси аъзоларидан 20 киши. Нодир Пардаев номли 74-ўрта мактабдан 15 ўқитувчи ана шулар жумласидандир.

С. ОСТОНОВ.

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Норасмий ташриф билан Тошкентга келган Боливия республикаси сенатори Энрико Сурияни 11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди. Суҳбатда икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари тўғрисида гап борди.

Ш. Р. Мирсаидов боливиялик меҳмонга республиканинг иқтисодий салоҳияти, ҳорижий мамлакатлар билан тижоратда шериклик қилиш имкониятлари ҳақида сўзлаб берди. Тағин ҳам мустаҳкамроқ икки томонлама алоқалар ўрнатиш, шу жумладан, дипломатия даражасида алоқалар ўрнатиш истаги билдирилди.

Энрико Сурия саминийлик билан қабул қилгани ва эътибори учун Ўзбекистон Республикаси вице-президентига саминий миннатдорчилик билдириб, дўстона алоқалар ўрнатишда ва савдо соҳасида кўмаклашишга тайёр эканлигини айтди. Меҳмон Ш. Р. Мирсаидовни Ўзбекистон билан икки томонлама алоқалар ўрнатиш масалалари Боливия парламентининг мажлисида кўриб чиқилади, деб ишонтирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи савдо алоқалари комитетининг раиси У. Т. Султонов, республика ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М. М. Орифжонов қатнашдилар.

• ТАДБИРКОРЛИК— ДАВР ТАЛАБИ

## БИРДЕК ЖОН КУЙДИРИЛСА

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Бўри Аҳмедов совхоз директори Ёқуб Пардаевга режасини айтди. Шу тариқа Китоб районидаги «Китоб» совхоз-заводида дастлабки фермер пайдо бўлди. Б. Аҳмедов давлатдан юз минг сўм қарз олди. Совхоз билан ўзаро шартнома тузилди.

— Фермерликни бекорга танлаганим йўқ, — дейди Б. Аҳмедов. — Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида деҳқон хўжаликларини ташкил этиш фойдадан ҳоли эмас. Шу боисдан хонадон фермасини ташкил этдим. Дастлабки кундаёқ бозордан ўн бош сигир, ўн бош ғунажин сотиб олдим. Қорамолларнинг зотли ҳамда серсутлигига алоҳида эътибор бердик. Чунки фермерлик тадбиркорликни ёқтиради-да.

Тез орада фермер хўжалиги оёққа турди. Ҳозир жами қорамоллар сони 52 тага етган. Жумладан, ўн беш бош соғин сигир, йигирма бош ғунажин, ўн беш бош бузоқ, яккита зотли буқа бор.

Тадбиркор чорвадорларнинг астойдил меҳнати ўз самарасини кўрсатмоқда. Ҳозиргача давлатга 24 минг килограммдан зиёд серқаймоқ сут етказиб берилди. Бу белгиланган режага нисбатан саккиз тонна зиёддир. Шунингдек, давлатга икки минг килограмм бўрдоқи гўшти топширилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, фермер хўжалиги ҳозиргача фақат сутнинг ўзидан ўн саккиз минг сўм, гўштдан эса ўн минг сўм даромад қилди.

— Бўри ака, хонадон фермасининг иш режими қандай ташкил этилган? — деган саволимизга:

— Фермамизда ўзим, турмуш ўртоғим Раиса, қизим Гулзодалар меҳнат қилишади, — деди у. — Уларнинг бу ерда ишлаганлари меҳнат стажига қўшилади. Шунинг учун астойдил ишлашмоқда.

• Ўлкага даромадгирлар керак

# ЖУРНАЛИСТ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Собир Ядиков Бойсунда ишбилармонларнинг бири. Журналист сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам. Бир эски «Жигули»си бор. Тоғнинг эшак чиқолмайдиган сўқмоқларига чиқиб боради. Шунинг учунми, узоқ қишлоқлардаги мактабларнинг ўқувчилари ҳам ўша машинанинг номерини ёддан билишади.

Ўтган сайловда бойсунликлар район рўзномаси оддий ходими — Ядиковнинг номзодини Республика халқ депутатлигига кўрсатишди. Қарасаки, ишлар юришиб кетгудай. Ядиков ўз атрофида бўлган гапсўзларни дарҳол саранжомлаб олди. Рақибининг ҳурматини қилиб рўйхатдан ўтишга розилик бермади. Шундай. Унинг айрим гаплари, ишлари, хатти-ҳаракатларидан ҳамшаҳарлари ҳайратга тушиб юришади.

Бундан тўрт-беш йилча бурун Термиз томонидан Бойсун шаҳрига кириб бораверишдаги баланд тепаликда Ядиков қўналға-уй қурди. Уй атрофида 50 тупча дарахт ўстирди. Бу ерда гулханда қайнаган чойдан ичиб, эски чироқнинг ёруғида кўнгил ёзиб, гурунг қилиш мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, узоқ-узоқлардан келган меҳмонлар, айниқса, ижодкорлар бошқа жойни қўйиб, халқ орасида «Собиртепа» деб ном олган шу манзилга қўниб ўтишарди.

Ядиков «Собиртепа»да зерика бошлади чамаси, янада баландроққа ўрлади. Бойсун шаҳрининг шимолий-шарқ томонидаги Санжартов деб аталмиш жойдан уй қурди. Санжартоғ шаҳардан 14 чақирим нари. Денгиз сатҳидан 1700 метр баланд. Арчаларнинг ҳиди райҳоннинг ҳидидан-да ўткир. Доғбай, кийик ўт, олқор сингари шифобахш ўтларнинг кони.

Ядиков энди бу ерда майда корхонанинг соҳиби сифатида иш бошлади. Арча қалин ўсган гўшаларда алоҳида-алоҳида қилиб ўтовлар тикди. Ҳордиқ чиқаришга келганларни қозон-товоқ, қошиқ-чўмич билан таъмин этди. Ўтовларни электрлаштирди. Бир гектар ерга сабзавот-полиз экди. Қўрани молга тўлдирди. Асалари қутиларини олиб келди. Қарабсизки, кечагина қўйлакнинг оппоқ қинасини кийиб, лавҳаю репортаж ёзиб юрган одам бугун «Адидас» деган шапкани пешонасига бостириб кийиб олиб, фермерлик қилаяпти, даромадгирлик (бизнес) билан шуғулланаяпти. Энди у ҳов «Собиртепа»даги қўли очиқ ўзбекка ўхшамайди. «Ҳисобли дўст — айрилмас». Бу мақолнинг қадрини у Санжартоққа келиб билди.

Меҳмонлар ҳам турфа-туман. Бирови келади: Солиқ назорати идорасиданмиз, ўтовнинг зўрини кўрсатинг, юқоридан меҳмон бор, дейди. Ўтов ҳақи бўлса, кейин... Солиқ-полиқдан ёрдам қилармиз, Собирбой, дейди.

— Солиқдан қочиш йўқ, — дейди Ядиков ҳам тамакисини ёндириб. — Ҳамма нарса қонуний бўлғани дуруст.

Бирови келади: ОБХССман, дейди. Нималарнидир майдалаб сўрайди. Шунча иш қилибсизу, биз беҳабар қолибмиз, деб ўпкалагандай бўлади.

Шунга ўхшаш гаплардан кейин Собир Ядиков навбатдан ташқари тамаки ёндирганини ўзи ҳам билмай қолади. Вақтида давлатдан 4,5 минг сўм қарз оламан, деб саксон идорага кириб чиққанини, шу арзимас ишга районнинг биринчи раҳбари аралашганини ва умуман тоғдаги шу хилват бир бурчакка сабзавот эккани учун уни ёзишганини унутолмайди.

Лекин Собир Ядиков айтганини уддалаяпти. Уйини қорлиқировли кунларга қолдирмай ёпиб олди. Энди у шу уйга бирданига иккита келин туширишни ният қилаяпти. Бошқа ниятлари ҳам чакки эмас. Чорва, асалари ва деҳқончиликдан келгуси йили 100 минг сўм, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ даромад қилмоқчи. (Дарвоқе, бу йил Бойсунда куз фаслида тўй қилганлар сабзавотни нуқул Ядиковнинг пайкалидан ташишди).

— Бир челак уруғдан 3 минг сўмлик супурги етиштирдик, — дейди Ядиков. — Бир килограмм бодомнинг нархи — 30 сўм. Уни доналаб санасангиз 100 та чиқади. Демак, шундан 100 туп кўчат қилиш мумкин. 100 туп кўчат — 500 сўм дегани, 100 дона бодом бир килограмм чиқишини ўғлим Жаҳонгир кашф қилди. Кўрасиз, болаларимиз бизлардан устарок бўлишади.

Журналист Ядиков ишни йўлга қўйиб олса, миллионер бўлиши мумкинлигини яширмайди. Лекин бундан ҳам кўра бошқа бир нарсадан завқланиб гапирганини кўринг-а: Санжартоғда яна какликлар, беданалар сайрай бошлади. Чунки янги қўналға бино бўлгандан буён бу ерда милтиқ отилмаяпти. Арчалар кесилмаяпти. Какликларни айтасиз, ҳатто, Санжартоққа бўрилар қайтиб келди. Тоғ ҳам тоққа ўхшаб қолди!

Ядиковга Санжартоғ жуда ёқиб қолди. Шу ерга у ўрганиб қолди. Бироқ мухбирлик касбидан ҳам қўнгил узгиси йўқ. Эҳтимол мухбир бўлмаганида саксон идора тугул саксон минг идорага чопса ҳам ўша тўрт ярим минг сўм ссудани олиши амри маҳол бўлишини у яхши тушунади. Очиғи, оддий фуқаро бўлиб қолишдан ҳадиксирагандай бўлади. Шу фикри ҳар эсига тушганида ич-ичидан эзилади...

**О. УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

МУҲАРРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

## ХОЛИС НИЯТ ЙЎЛИДА

Кеча «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳрир ҳайъатида «Эл» ўзбеклар халқаро бирдамлик уюшмаси раҳбарлари билан учрашув бўлди. Унда уюшма бошқаруви раиси, америкалик ватандошимиз, жаноб Абдурауф Мақсудий ва уюшма масъул котиби, шоир Шавкат Раҳмон қатнашдилар.

Самимий суҳбат чоғида ҳурматли меҳмон Абдурауф Мақсудий хориждаги ўзбекларнинг турмуши, маданияти, ўзининг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси ўзини мустақил давлат деб эълон қилингандан кейин «Эл» уюшмаси тузилгани ва бу жамиятнинг ўз олдига қўйган эзгу мақсади ҳамда вазифалари ҳақида гапириб берди.

Учрашувда «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Расул Раҳмонов рўзноманинг тарихи, жамоанинг босиб ўтган ижодий йўли ва ҳозирги вазифалари билан меҳмонларни таништирди ҳамда «Эл» уюшмаси фаолларининг ишига катта муваффақиятлар тилади.

Учрашув чоғида «Ўзбекистон овози» рўзномаси ва «Эл» ўзбеклар халқаро бирдамлик уюшмаси ўртасида яқин ҳамжиҳатлик алоқалари олиб борилиши ҳақида ҳам фойдали фикрлар билдирилди.

## ЯНГИ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

**Бухоронинг шимоли-ғарбий чегарасидаги тиббиёт шаҳарчасида яна бир шифохона фойдаланишга топширилди. Бу Ўзбекистон газ саноати қурилиши трестининг даволаш, дам олиш масканидир. Жумҳуриятдаги газ саноатининг 75 минг қурувчи ва ишчиси келгусида бу ерда даволаниш имкониятига эга бўлади. Ўрта Осиё газ саноати концерни шифохона қурилишига 4,5 миллион сўм маблағ сарфлади.**

Бундай йирик даволаш маскани учун Бухоро тупроғи танлангани бежиз эмас. Биринчидан, тармоқда ишловчиларнинг деярлик учдан бир қисми шу вилоят ҳудудида меҳнат қилишади. Иккинчидан, шифобахшлиги жиҳатидан Есентуки ва Труцкавец, Чинобод ва Чортоқ сингари машҳур курортлардаги икки турдаги минерал сув ҳам шу ердан топилди. Бу шифобахш сувлар газ саноати ходимлари ўртасида ёйилган суяк-мушак, ошқозон-ичак, юрак хасталикларини муваффақиятли даволаш учун айни муддаодир.

Яқинда янги даволаш-дам олиш маскани дастлабки беморларни қабул қилди. Булар Бухородаги Ўзбекистон газ саноати қурилиши трести бўлинмаларининг қурувчиларидир. Шифохонани тез ва сифатли қуриб беришда трест бинокорлари катта жонбозлик кўрсатишди. Қ. Ваҳоев, Х. Хўжаев, Б. Темиров, Л. Ғофуров, Р. Остонов сингари ташаббускорлар бўлмаганда шу кунлардаги оммавий тақчиллик шароитида 13 гектардан зиёд майдонни эгаллаган бундай йирик даволаш иншоотини қуриш амри маҳол эди. Шифохонанинг таркибига бир қабулда 320 кишига хизмат кўрсатадиган даволаш корпуси, ёзги ва қишки кинотеатр, клуб, спорт заллари, даволаш ҳовузи, фин ҳаммоми каби бошқа бинолар киради.

Даволаш маскани 33 турдаги энг замонавий япон, югослав, польяк ускуналари билан жиҳозланган. Даволашда минерал сув ва балчиқ қатори иссиқлик, нур, биоток ва жисмоний соғломлаштириш тадбирларидан фойдаланилмоқда.

— Янги шифо масканида ишлаш учун тажрибали, юқори малакали тиббиёт ходимларини танладик, — дейди биз билан суҳбатда бош шифокор Баҳодир Ҳафизов. — Беморлар М. Ражабов, Х. Остонов, И. Муқимова, М. Хафизова, О. Ҳасанов сингари ходимларимизнинг хизматтидан мамнун. Даволаш ишларини янада яхшилаш мақсадида Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт илмгоҳи билан алоқа ўрнатдик. Илмгоҳ мутахассислари биохимия лабораториямиз ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишади. Унинг талабалари эса шифохонада амалий кўникмалар ҳосил қилишади...

Дарвоқе, трест қурувчилари яна бир қутлуғ ниятни амалга оширишмоқда. Чунончи, ёзги таътил пайтида даволаш масканини бемор болалар учун мослаштириш тадбирлари кўрилмоқда. Сузиш ҳовузи, иссиқхона ва бошқа бинолар қурилиши жадал давом этяпти.

**Н. НАИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


# ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ**
**1992-93 ўқув йили учун**
**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ 1 ва 2 БОСҚИЧЛАРИГА**

## ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехния, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжалиги.**

Сиртқи бўлимга ўрта ва олий маълумотли, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи шахслар қабул қилинади.

Дорилфунун қишлоқ хўжалиги учун олий маълумотли мутахассислар: агросаноат тармоқларида бухгалтерия ҳисоби бўйича иқтисодчилар, чорвачиликда, илмий-текшириш ташкилотларида, шунингдек, агросаноат мажмуасининг турли жабҳаларида мутахассис сифатида ишлаш учун олим агрономлар, зоомуҳандислар, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжаликларининг муҳандисларини тайёрлайди.

ДОРИЛФУНУНГА КИРИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН 1991 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН 1992 ЙИЛ 15 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжат** (асл нусхаси), **3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, (086)У андозадаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчаси ёки колхозчи дафтарчасидан маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирма.**

ПАСПОРТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА АЛОҚАСИ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

Кириш имтиҳонлари ва барча мутахассисликлар бўйича ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ДОРИЛФУНУНГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжаликлари мутахассисликлари бўйича: **математика** (ёзма), **биология** (оғзаки), **ўзбек ёки рус тили** (диктант);

агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия; мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехник мутахассисликлари бўйича: **кимё** (ёзма), **биология** (оғзаки), **ўзбек ёки рус тили** (диктант).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирган ҳамда танлаган мутахассислиги бўйича камида бир йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар ёки кейинги уч йил давомида ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилганлар, шунингдек ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирган ва эгаллаган касбига яқин мутахассисликка кираётганлар битта имтиҳон топширадилар: агросаноат мажмуи тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжалиги мутахассисликлари бўйича — **математикадан** (ёзма); қолган мутахассисликлар бўйича — **кимёдан** (ёзма), «Беш» баҳо олган шахслар қолган имтиҳонлардан озод этилиб, олий ўқув юртига қабул қилинадилар, агар «тўрт» ёки «уч» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларни топширадилар.

Ўрта мактаб негизида ҳунар-техника билим юртларини «имтиёзли» диплом билан тугатган шахслар учун ушбу тартибга улар эгаллаган касбларига мос мутахассисликка кираётган ҳамда танлаган мутахассислиги ёки яқин мутахассислик бўйича бир йилдан ортиқ ишлаётган бўлсаларгина амал қилинади.

Ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли эканлиги тўғрисида гувоҳномаси бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари ўрта махсус ўқув юртларини битириб, танлаган мутахассисликлари бўйича бир йилдан ортиқ ишлаётганлар кириш имтиҳонларисиз суҳбат натижасида қабул қилинадилар.

Суҳбатда қатнашиш учун ҳужжатлар 1992 йилнинг 12 январигача қабул қилинади. Суҳбатдан ўтмаганлар умумий асосларда кириш имтиҳонлари топширишлари мумкин.

Дорилфунунга қабул қилиш кирувчиларнинг танлов имтиҳонларидан олган баҳолари асосида тўплаган балига қараб ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1992 ЙИЛНИНГ 16 ЯНВАРИДАН 1 ФЕВРАЛИГАЧА БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ҳарбий хизматдан бўшатилган ва ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, етимболалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар, меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббий комиссиянинг дорилфунунда ўқиш соғлиғига тўғри келиши тўғрисидаги хулосаси бўлган I ва II гуруҳлар ногиронлари кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олсалар, дорилфунунга танловдан ташқари қабул қилинадилар.

Иккинчи мутахассисликни эгаллаш учун олий маълумотли шахслар, аввал олган тайёргарликлари янги танлаган мутахассисликларига мос келган ҳолда қабул қилинадилар.

Дорилфунунга кириш ҳақидаги аризага олий маълумоти тўғрисидаги диплом, дипломга илова, иккинчи мутахассисликни эгаллаш зарурлиги тўғрисидаги корхонадан илтимоснома, тиббий маълумотнома (086)2 андозадаги), 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма илова қилинади.

**Кирувчиларга кириш имтиҳонларини топшириш учун иш жойидан 15 календарь кунидан иборат** (бориш-кетиш га кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда) **ҳақ тўланмайдиган таътил берилади.**

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700183, ТошДАД, (19, 83, 96, 49, 156, 165, 167, 491-автобуслар ва 15, 28, 152, 153-маршрут таксиларининг «Тошкент Давлат аграр дорилфунуни» бекати).


## Беруний мукофотига номзодлар

# УМИДВОРЛИК

Ҳозирги кунгача жумҳуриятимизда машаққатли, лекин ўзига яраша шарафли меҳнат қилган геологлар туфайли Ўзбекистоннинг ери бағрида Менделеев даврий жадвалидаги барча кимёвий элементларни ўзида сақловчи минерал хом ашёлари топилган ва уларнинг кўпчилиги ҳозир етарли маҳсулот бермоқда.

Одатда минерал хом ашёлар икки туркумга — маъданли ва маъдансиз фойдали қазилмаларга бўлинадилар. Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига тақдим этилган илмий тадқиқотлар орасида Ўзбекистоннинг танилган геолог олимларидан бўлмиш академик О. Акрамхўжаев, фан докторлари А. М. Габрильян, М. З. Зокиров, М. Э. Эгамбердиев, Ш. С. Саидҳўжаев, фан номзодлари С. Ғофуржонов, У. М. Расулов, С. Д. Морозовлар йиллар давомида энг зарур маъдансиз гуруҳига мансуб фойдали қазилмалар турларини излаб топиш, уларнинг миқдор ва сифатини ўрганиш, ер бағрида пайдо бўлиш ва тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ва башорат қилиш билан биргаликда уларнинг жумҳуриятимиз халқ хўжалигида ҳар томонлама қўллаш усулларини кашф этиш борасида баракали меҳнат қилдилар. Бу соҳада талайгина самарали натижаларга эришдилар.

Мукофотга сазовор номзодларнинг ишлаб чиқаришда геологлар билан ҳамкорликда олиб борган илмий тадқиқот ва геологик қидирув ишлари туфайли ҳозирги кунда уларнинг 200 дан ортиқ конлари ва нишоналари аниқланган. Олимларнинг шахсий ташаббуси билан уларнинг вино, ёғ, нефтни тозалаш ва қайта ишлаш ҳамда қурилиш саноатида, нефть—газ қудуқларини бурғилаш жараёнида ишлатилаётган лойқа эритмаларни тайёрлашда, пахтачиликда, чорвачиликда ва паррандачиликда кенг қўлланиш имкониятлари бор эканлиги аниқланди. Улар айнан ҳозирги кунда жумҳуриятимиз учун миллион-миллион сўмлаб фойда келтирмоқда. Илгарилари унумдор тупроқларимиздан олинадиган, аммо сифат жиҳатидан паст маркали ғиштлар ўрнига, қадим геологик даврларда ҳосил бўлган ва юқори сифатли қизил гиллардан ғишт пишириш технологияси йўлга қўйилди. Тошкент шаҳри яқинидаги Майск қишлоғида қурилиб, яқинда маҳсулот бериш олдида турган ғишт заводидан олинадиган иқтисодий йиллик фойда 1 миллион сўмни ташкил этади. Гилмоя енгил тупроқли ерларга маълум миқдарда солинса пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3—7 центнерга ошиши аниқланди. Ўз навбатида у омухта емга аралаштирилиб парранда ва чорвага берилса унинг бир кеча-кундузда семириши ортади, гўшт ва тухум мазаси яхшиланади. Сут ва тухум миқдори кўпаяди, яна бир муҳим жиҳати шундаки, жониворларнинг заҳарланиш туфайли бевақт ўлими ва эндемик касалланиши кескин камаяди ва ҳоказо.

Кварцли ва далашпатли оқ қумлар жумҳуриятимизнинг бебаҳо бойликларидан биридир. Уларнинг минерологик ва кимёвий таркибини ҳамда технологик ҳоссаларини ўрганишда ва ишлаб чиқариш соҳаларига жорий этишда олимларнинг илмий ва амалий ҳиссалари беқиёсдир. Айниқса оққумларнинг келиб чиқиш шароитларини аниқлаш ва уларнинг ер бағрида тарқалиш қонуниятларининг белгилаб берилиши катта аҳамиятга ва диққатга сазовордир.

Глауконит қумлари — экологик жиҳатдан энг тоза ҳосилдорлик дориси. Бу агрономик табиий минерал хом-ашё сифатида фосфоритдан сира қолишмайди.

Глауконит қумларини Сурхон ва Фарғона водийларида ҳамда Қорақалпоғистон жумҳуриятининг пахта ва шоликор майдонларида ишлатилиб кўрилганда гектар бошига 3—8 центнергача қўшимча ҳосил олишга муваффақ бўлинган. Мукофот номзодлари ана шундай ҳозирча одатий бўлмаган агрономик фойдали қазилма турини бутун жумҳуриятимиз ва Ўрта Осиё заминида ўрганиб, унинг битмас-туганмас заҳираларига эга қалин қатламларини кашф этганлар. МАЗКУР ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КЕЛАЖАК УҒИТИ БЎЛИБ, ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ХАЗИНА БОЙЛИКЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Беруний мукофотига қўйилган муаллифларнинг жумҳуриятимиз норуда фойдали қазилмаларига ва нефть-газли ёқилғи-қувват қатламлари литологияси ва конларнинг пайдо бўлишига бағишланган илмий-тадқиқот мажмуаси ва уларни жумҳуриятимиз халқ хўжалигига жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари 15 та монографик асар-китоблар, қатор илмий-оммабоп рисолалар ва мақолаларда баён этилган ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган. Уларнинг илмий ва амалий аҳамияти шу кун талаби билангина чекланиб қолмай, балки келгуси авлодлар учун катта мерос бўлиб қолишига имконимиз комилдир. Шунинг учун ҳам беқиёс илмий ва йирик иқтисодий самарага эга бўлган бу асарлар тўпламини 1991 йилги Абу Райҳон Беруний мукофотига лойиқ деб ҳисоблаймиз.

**Ҳ. АКБАРОВ,**
**Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, геология-минерология фанлари доктори.**

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**геология-минерология фанлари доктори, профессор.**

## БАНГЛАДЕШ НАМОЙИШ ЭТЯПТИ

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган Бангладеш моллари кўргазмаси мустақиллик сари қадам қўяётган жумҳуриятимизда кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни тараққий эттиришда қандай самара бериши мумкин?

Бу ерда намойишга қўйилган ранг-баранг кийимкечаклар, рўзғор буюмлари, радио ва телевидение воситалари ташқи кўриниши жиҳатидан жаҳон андозасига мос тушади. Бизда бундай сифатли ишланган моллар ҳозирча жуда ҳам оз. Бунинг устига нархи харидорни чақади.

Кўргазмада «Биналпа» ва «Найт» фирмаларининг директори Ҳабиб Раҳмон билан гаплашдик.

— Биз Тошкент шаҳрига катта умид билан келганмиз. Айрим камчиликлар ўз-ўзидан кўринди. Аввало кўргазмамиз ҳақида реклама ва билдирув воситалари бизни мамнун этгани йўқ. Шунинг учун ҳам зиёрат қилувчи кишилар жуда оз. Соат 13 гача фақат 100 га яқин киши келди. Савдо ва саноат доираларининг корчалонлари эса кўринмайди. Балки бехабар бўлишлари мумкин. Бангладеш ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик корхоналарини тузиш лозим бўлса, гапни расамади билан бошлайдиган вакилнинг ўзи кўринмаётир. Демоқчиманки, ишда маъмуриятчилик ҳали ҳам ҳукмронга ўхшайди.

Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги масофа анча олис. Ҳақиқий ҳамкорлик бошланадиган бўлса масофа машаққатини енгиш иложи ҳам топилар. Энг муҳими — эндигина ривожланаётган бу мамлакатнинг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналари иш тажрибасидан фойдаланиш ўринлидир.

**А. ПУЛАТОВ,**

● Қизлар гурунги...

Г. АЛИЕВ сурат-лавҳаси.

## РЎЙХАТГА ОЛИНДИЛАР

**Жамоат бирлашмалари Низомларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатларни ўрганиш ва кўриб чиқиш якунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоат бирлашмаларининг Низомларини рўйхатга олди.**

**Кеча Ўзбекистон нефть ва газ тармоқлари саноати ҳамда қурилиш ходимлари касаба уюшмаси, Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси, Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси, «Пахтакор—79» футбол жамоаси республика жамғармаси, Ўзбекистон махсус олимпиада комитети, «Ўзбекистон — Покистон» жамияти, Ўзбекистон энергетиклари илмий-техникавий уюшмаси, Бутуниттифоқ ахборот ва ҳисоблаш техникаси жамияти республика бўлими, корейс тили ўқитувчиларининг республика ассоциацияси, Ўзбекистон «Бирлик» халқ ҳаракати вакилларига рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Гувоҳномаларни адлия вазири М. Маликов топширди.**

**Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.**

### АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ

Газетанинг 1991 йил 12 ноябрдаги 218-сонида эълон қилинган Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Низомининг матнида техник сабабга кўра ноаниқликка йўл қўйилган.

Ушбу Низомнинг 31-банди 1-хатбоши сўнгги қаторидаги жумла қуйидаги таҳрирда ўқилади: **«У мазкур давлатнинг кўпи билан сурункасига икки муддатга сайланади».**

Тошкент педиатрия тиббиёт олий билимгоҳининг ректорати ва асаб касалликлари кафедраси жамоаси кафедра ассистенти А. Мирсодиқовга рафиқаси

**Ҳамидахон Икромовна МИРСОДИҚОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология олий билимгоҳи ректорати билимгоҳнинг «Ўзбек ва рус тиллари» таҳсилгоҳи жамоаси, шу таҳсилгоҳ мудири, доцент, филология фанлари номзоди И. Носировга онаси

**Фориса МУҲИДДИНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда табиёт, жуғрофия куллиёти деканати ва жамоаси олийгоҳ касаба уюшмаси раисининг муовини Биология ва уни ўқитиш услуби кафедрасининг доценти

**Миржавҳар МАҲКАМОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта идораси жамоаси Идора раиси С. С Буарукхўжаевга онаси

**Ёқутхон БУЗРУКХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 6281.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.00.

№ 219.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.